21 октябрь – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

*Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir*
*Высшее благо медицины – здоровье*

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана




Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган E-mail: uzss@inbox.ru 2007 йил 16-22 октябрь № 41-42 (557-558) Сешанба кунлари чиқади

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

## «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

***Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики", а также в целях совершенствования организации управления и повышения эффективности медицинской помощи населению***

**УТВЕРЖДАЮ:**

**1.** План контроля реализации Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" согласно приложению № 1.

**2.** Состав рабочих групп по разработке необходимых нормативных документов в процессе реализации Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" согласно приложению № 2.

**3.** Список ответственных лиц по регионам республики за реализацию Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" согласно приложению № 3.

**ПРИКАЗЫВАЮ:**

**1.** Принять к безусловному исполнению Указ Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 "Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения" и Постановление Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики".

**2.** Принять к сведению, что Постановлением Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 "О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики" утверждены:

*усовершенствованные организационная структура системы Министерства здравоохранения Республики Узбекистан и структура его центрального аппарата согласно приложениям № 4 и 5;

* структуры центрального аппарата Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений здравоохранения областей и г.Ташкента, районного (городского) медицинского объединения согласно приложениям № 6-10;

* состав постоянно действующей аттестационной комиссии при Министерстве здравоохранения согласно приложению № 11;

* перечень маломощных медицинских учреждений, ликвидируемых либо преобразуемых в отделения ЦРБ (ЦГБ) согласно приложению № 12.

**(Продолжение на 8-й стр.)**



**Аҳмадхўжа ЮНУСХЎЖАЕВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти ректори, профессор.**

## ЗИЁ МАСКАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЭРТАСИ

*(Тошкент Фармацевтика институти 70 ёшда)*

***Ўзининг кутлуғ 70 ёшини қарши олаётган Тошкент Фармацевтика институти Марказий Осиёда ягона бўлган фармацевтика соҳасидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади. Тарихан қисқа вақт ичида у ташкил бўлиш, шаклланиш ва ривожланиш босқичларини босиб ўтиб, бугунги кунда салмоқли салоҳиятга, юксак ижодий нуфузга эга бўлган йирик ўқув-илмий, маънавий-маърифий марказга айланди. Ўқув даргоҳ мустақиллик йилларида фармация таълимини ислоҳ қилишда катта муваффақиятларга эришди. Бугунги кунда институтнинг факультет ва бўлимларида 200 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи ҳамда илмий ходимлар шунингдек, 25 фан доктори ва юзга яқин фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Улар республикада юқори малакали фармацевт, биотехнолог, фармацевт-муҳандис, фармацевт-педагог ва космецевт-технолог каби мутахассислар тайёрлаш билан бирга фармацевтика фанини ривожлантириб, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашни такомиллаштирищдек, маҳаллий хом ашёлар асосида юқори самарали, арзон дори воситалари яратищдек шарафли вазифани бажариб келмоқдалар.***

*(Мазкур институтнинг фаолияти билан 2-7-саҳифаларда танишасиз).*

## СЕМИНАР В РАМКАХ ЮБИЛЕЯ

*17-18 октября 2007 года пройдет научно-практическая конференция «Интеграция образования, науки и производства в фармации», посвященная 70-летию Ташкентского фармацевтического института, целью которой является претворение в жизнь Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года «Об основных направлениях дальнейшего углубления реформ и реализации Государственной программы развития здравоохранения», а также Государственной программы реформирования системы здравоохранения с учетом социальной защиты населения, совершенствования интеграции образования, науки и производства в фармации.*

*В работе конференции примут участие крупные ученые-фармацевты из различных регионов Узбекистана, России, Украины, Казахстана, Киргизии и Таджикистана, а также эксперты ЕРБ, ВОЗ.*

*Научная программа конференции:*

* *пленарные доклады*
* *доклады на сессиях*
* *«круглые столы»*
* *рабочие совещания*
* *специальные лекции для студентов*
* *дискуссионные семинары*

*Также объявлены конкурсы на «Лучшего изобретателя-фармацевта», «Лучшего педагога-фармацевта», «Лучшее представительство иностранной фирмы», «Лучшее аптечное учреждение», «Лучшего работника аптеки», «Лучшее производственное предприятие», «Лучшую лечебно-профилактическую аптеку», «Лучшее оптовое фармацевтическое предприятие». В ходе работы конференции будет заслушано порядка 130 докладов.*

Бизнинг расмий веб сайтимизга ташриф буюринг: www.uzss.uz

# ЗИЁ МАСКАНИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЭРТАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маълумки, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий муаммоларни юқори савияда ҳал эта оладиган, малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш республикамиздаги барча олий таълим муассасалари олдида турган устувор вазифа ҳисобланади. Кўп йиллар мобайнида Тошкент Фармацевтика институтида фақат 1 та йўналиш, яъни фармация бўйича кадрлар тайёрланиб, Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари асосан дорихона тизимида иш юритиш, дори препаратларини тайёрлаш, улар сифатини назорат қилишга қаратилган эди. Республикамизда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши, таълим соҳасида, фармацевт кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш ва такомиллаштиришни тақозо этди. Даставвал, мавжуд ўқув режалар қайта таҳлил қилиниб, мутахассислик фанларининг дастурларига замон талабига жавоб бера оладиган ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, фармацевтик кимё фанидан келгуси касбий фаолият давомида кенг аҳамиятга эга бўлмаган мураккаб кимёвий синтез ва бошқа маълумотларни ёдлаш ўрнига, дори воситаларининг назорати, сифатини таъминлаш, стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш муаммоларига кўпроқ эътибор қаратилди. Шунингдек, Фармация ишини ташкил қилиш фанига "Дори сиёсати", "Логистика", "Дори воситаларини қалбакилаштириш", "Фармацевтик иқтисодиёт" тушунчалари, шу билан бирга Тиббий биологик фанлар туркумига бир-бирини ўзаро тўлдирувчи янги фанлардан клиник фармация, фармакокинетика, фармакологик биокимё, фармацевтик ёрдам киритилди.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да белгиланган вазифалар, ҳозирги кун фармацевтика амалиёти муаммолари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-Қарорига мувофиқ юқори малакали, рақобатбардош, соҳа муаммоларини юқори савияда ҳал қила оладиган, республикамиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшадиган кадрлар тайёрлаш ҳамда таълим узлуксизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент Фармацевтика институтида қатор тадбирлар амалга оширилиб, янги йўналиш ва мутахассисликлар ташкил қилинди, замонавий дарсликлар чоп этилиб, ўқув жараёнига янги педагогик ҳамда ахборот технологиялар жорий этилмоқда. Жумладан, республикамиз аҳолисини дори воситалари таъминоти ишларида мустақилликка эришиш ва аҳолига кўрсатиладиган фармацевтик ёрдам хизматини халқаро андозаларга мос амалга оширадиган кадрлар тайёрлаш мақсадида янги йўналиш "Саноат фармацияси" ташкил этилди. Ушбу вазифа заминида амалга оширилган ишлар республикамизда мавжуд бўлган юзга яқин фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш учун керак бўлган малакали муҳандис-фармацевт кадрларни тайёрлаш зарурияти билан изоҳланади. Миллий дастурни рўёбга чиқариш бўйича иккинчи босқичда белгиланган асосий вазифалардан бири, таълим узлуксизлигини таъминлаш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашдир. Бу борада институтда 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб, "Касб таълими" фармацевтик соҳа йўналиши бўйича педагог кадрларни тайёрлаш амалга оширилди.



Маълумки, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурларида аҳолини безарар, самарали дори воситалари билан таъминлаш, мавжуд дори воситаларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Ҳозирги замон тиббиёт амалиётида ишлатиладиган кучли таъсир этувчи дори воситалари салмоғининг ортиб бориши, уларнинг ножўя таъсири, самарали фойдаланиш бўйича объектив маълумотлар етарли даражада бўлмаслиги дори воситаларини қўллаш амалиётида бир қатор ножўя ва қўшимча таъсирларни келтириб чиқармоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг расмий маълумотларида дори воситаларининг 25-30 фоизи, антибиотикларнинг эса қарийб 40-50 фоизидан мақсадли равишда фойдаланилмаётганлиги таъкидлаб ўтилган. Бугунги кунда мустақил республикамизда 5000 дан зиёд дори воситалари Давлат реестирида қайд этилган бўлиб, клиник фармацевт кадрларни тайёрлаш ҳозирги кун тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Таъкидлаш лозимки, бир қатор ривожланган давлатларнинг тиббиёт амалиётида клиник фармацевт мутахассисларни тайёрлаш жорий қилинган, улар дори воситаларидан оқилона фойдаланиш, бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири, бемор организмидаги турдош касалликларга қараб, мавжуд кўп минг сонли дорилар уммонидан кераклигини танлашда тиббиёт ходимлари учун маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатмоқдалар.

Бундай кадрлар тайёрлаш учун Тошкент Фармацевтика институтида профессор-ўқитувчилар салоҳияти ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лабораториялар ва виварий мавжудлигини инобатга олган ҳолда 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб, клиник фармация йўналиши ташкил қилинди. Бу ишларни амалга оширишда Украина ва бошқа бир қатор Европанинг ривожланган давлатлари олий таълим муассасалари тажрибалари ўрганилиб, институтимизнинг профессор-ўқитувчилари Харьков фармацевтика Миллий Университетида ушбу йўналиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёни билан яқиндан танишиб, малака ошириб қайтдилар. Ўз навбатида, косметик воситалар таъминотини таҳлил қилиб, республикамизда бўлган валюта захираси салмоғининг катта қисми косметик воситалар харид қилиш учун сарф қилинаётганлиги, бу препаратларнинг кўпгина ҳолларда қалбаки намуналари билан таъминланиб келинаётганлиги ҳамда республикамизда бой табиий ўсимликлар захираси мавжудлиги, бу соҳада малакали педагог кадрлар ва олиб борилаётган илмий изланишларни инобатга олган ҳолда парфюмер ва косметик воситалар тайёрлаш йўналишида космецевт-технолог кадрлар тайёрлаш 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб юборилди.

**Ташкил этилган янги йўналишлар бўйича тайёрланадиган кадрлар амалий фаолиятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2006 йил 30 майдаги 125-сон буйруғи билан фармация соҳасида қуйидаги касб фаолиятлари доираларини белгиловчи квалификацион тавсифномалар ҳамда 2006 йил 17 апрелдаги 160-сон буйруғи билан лавозим номенклатуралари тасдиқланди:**

*– «Клиник фармация» йўналиши асосида – клиник фармацевт;*

*– «Космецевтика» йўналиши асосида космецевтика бўйича фармацевт-технолог.*

**Институтдаги илмий изланишлар республикамиз фармация ва тиббиётининг долзарб муаммолари ечимига қаратилган бўлиб, катта илмий потенциалга эга бўлган институт жамоаси қуйидаги илмий изланишлар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдалар:**

*– Ўзбекистоннинг истиқболли ёввойи доривор ўсимликларини ўрганиш, ўстириш технологиясига кўрсатмалар ишлаб чиқиш;*

*– маҳаллий хом ашёлар асосида дори препаратлари олиш, дориларнинг самарали технологияси ва таҳлил усулларини яратиш ҳамда фармацевтика саноатига жорий этиш;*

*– координацион бирикмалар асосида янги дори воситалари яратиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;*

*– фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисодиёти.*

Институтдаги мавжуд илмий потенциал имкониятларидан самарали фойдаланиш, дори воситалари ишлаб чиқарувчи ва яратувчи корхоналарга бевосита амалий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йил 16 октябрдаги 467-сон буйруғига мувофиқ, Тошкент Фармацевтика институти қошида 2002 йилдан «Дори воситаларини стандартлаш» илмий маркази ташкил этилди. Унинг таркибига дори воситалари сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораторияси, фармако-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси, илмий-услубий ҳамда ахборот-патент бўлими, дори воситаларини сертификатлаш идораси, замонавий таҳлил услублари ўқув-тренинг маркази киради.



**Дори воситаларини стандартлаш марказининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

*– янги дори воситалари учун меъёрий техник ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тўпламини тузиш;*

*– дори воситалари сифатини назорат қилиш ва сертификациялаш;*

*– дори препаратларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш;*

*– дори воситалари сифатини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ва уларни такомиллаштириш;*

*– янги дори воситаларининг фармако-токсикологик тадқиқотлари;*

*– биологик фаол қўшимчалар таҳлили.*

Илмий марказ ҳозирги кунда, Ҳиндистон, Покистон, Германия, Россия, Украина, Австрия, Болгария, Польша ва бошқа давлатларнинг фармацевтик фирмалари ва ташкилотлари билан тегишли дастурлар бўйича ҳамкорлик ишларини самарали олиб бормоқда.



Институтда яратилган янги оригинал дори воситалари – пирацин 0,25 фоиз, купир 0,15 фоиз инъекция эритмалари, фераск ва мўмиё капсулалари, кобафитин таблеткалари, "Шарқ табиби" шифобахш бальзами ва бошқа препаратлар маҳаллий ва турли қўшма корхоналарда саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда. Кадрлар малакасини ошириш ишлари ҳам замон билан ҳамнафас, ҳозирги кун фармация амалиёти талаблари даражасида ташкил қилинмоқда.

**Фармацевтика амалиётида фаолият кўрсатаётган кадрларни иқтисодиёт тараққиёти туфайли ўзгараётган янгиликлар, дори воситалари муомаласи билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлардан бохабар қилиш мақсадида, институт қошида 1969 йилдан бери фаолият кўрсатаётган малака ошириш факультетида йилига 700-800 нафар тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўз малакаларини оширмоқдалар:**

*– дорихона иқтисодиёти ва фармациядаги долзарб муаммолар;*

*– дори турлари технологияси;*

*– дори воситалари сифатини назорат қилиш;*

*– доривор ўсимликлар хом ашёсини тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш;*

*– стерил дори турлари технологияси ва сифатини назорат қилиш;*

*– суд кимёгар экспертлари учун;*

*– фармацевтика бўлими мавжуд бўлган лицей ва коллеж педагоглари учун.*

Институт қошидаги фармацевтлар малакасини ошириш факультетининг мустақил юридик мақомини ҳал қилиш ва нуфузини ошириш мақсадида, "Фармацевтлар малакасини ошириш маркази" мақомини бериш тўғрисидаги таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъати томонидан ижобий ҳал қилинди.

Институт ўз келажагини фармацевтика соҳасида илмий изланишларни фармацевтика соҳаси ва тиббиёт амалиёти энг янги ютуқлари асосида бошқа турдош йўналишлар билан уйғунлашган ҳолда кенг тармоқда ривожлантириш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори малакали ёш илмий кадрлар ва педагоглар тайёрлаш, ривожланган давлатлар олий таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни яна ҳам кенгайтириш илмий асосланган ишлар натижаларини амалиётга жорий қилишда бозор иқтисодиёти тизимига мос янгича хўжалик юритиш услубига ўтказиш деб билади.

***Кадрлар тайёрлаш борасида эса, яқин истиқболда иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш менежменти, ветеринария йўналишлари билан уйғунлашган янги мутахассисликлар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.***

*Миллий Дастур амалда*

# ФАРМАЦЕВТИК БИЛИМЛАР МАСКАНИ

***Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги Президент Фармони соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш сари ташланган муҳим қадам бўлиб, унда шифокор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу борада самарали фаолият олиб бораётган, Ватанимиз доришунослигининг илк бешиги бўлган Тошкент Фармацевтика институти шу кунларда 70 йиллик тўйини нишонламоқда.***

Буюк аждодларимиз Закариё ар Розий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, академиклар Собир Юнусов, Обид Содиқов, Ноил Абубакировнинг илмий меросларини ўрганиш, улар қўллаган ўсимликлар ёки ажратиб олган биологик фаол бирикмалар асосида дори препаратлари яратиш, уларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш институтда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши этиб белгиланган. Республикамиз мустақилликка эришгунига қадар, фармацевтика соҳасига бўлган эътибор етарли даражада эмас эди. Таъкидлаш жоизки, истиқлол шарофати билан институт жамоаси учун эркин, самарали ижод билан шуғулланиш имконияти яратилди. «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти ҳақида»ги Қонун ва «Олий таълимни ислоҳ қилиш миллий Дастури» қабул қилинди. Бу эса Фармацевтика институтининг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий жабҳалардаги фаолиятида туб ўзгаришларга олиб келди. Саноат фармацияси, космецевтика ва клиник фармация каби долзарб йўналишлар бўйича олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.



Фармация менежменти ва иқтисодиёти, дори турлари технологияси, фармацевтик таҳлил, фармакогнозия, доривор ўсимликларни ўстириш технологияси, иммунобиологик ҳамда микробиологик препаратлар технологияси, саноат миқёсида дори воситалари ишлаб чиқариш мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда, махсус фанлар билан бир қаторда информацион ва педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш ҳамда талабалар орасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш услубий йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилган. 1939 йилда ташкил этилган Фармацевтик кимё ва фармакогнозия кафедралари салмоқли ўринга эга бўлиб, унда тажрибали мутахассислар фаолият олиб боришмоқда. Фармацевтик кимё кафедрасида дори воситаларини излаб топиш, уларни кимёвий тузилишини ўрганиш, сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш, яроқлилик муддатини аниқлаш, барқарорлигини ошириш каби масалалар ҳал этилади. Фармакогнозия кафедрасида эса, республикада кенг тарқалган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг табиатдаги захирасини аниқлаб, таркибидаги биофаол моддаларнинг тўпланиш динамикасини белгилаб, илмий тиббиётга жорий этиш бўйича фармакология, технология кафедралари олимлари билан ҳамкорликда илмий фаолият олиб борилади. Бундан ташқари, доривор ўсимликлар хом ашёси ва унинг дори препаратларидаги кўрсатиб ўтилган муаммолар ўрганилади.

Кафедраларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ўқитувчилар малакасини оширишдек, мураккаб вазифаларни ҳал этишда меҳнат қилаётган профессор-ўқитувчилардан Р. Ҳазанович, Х. Холматов, Ё. Қодиров, А. Ибодов каби фидойи инсонларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳозирги вақтда фармацевтик кимё ва фармакогнозия кафедраларининг жамоаси 8 нафар фан доктори, профессорлар, 8 фан номзоди, доцентлар, 6 фан номзоди, катта ўқитувчи ва 3 ассистентдан иборат. Кафедраларнинг етук мутахассислари томонидан ўқилган маърузалар ва лаборатория дарслари видеотасма ва DVD дискларга туширилиб, талабаларнинг билимини ошириш ва ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мазкур кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 6 та монография, 4 та электрон дасрлик ва 6 та маърузалар матни тайёрланди. Шу билан бирга ўқитиладиган фанлардан ўқув амалиёти дори воситалари сифатини назорат қилиш лабораторияларида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ботаника илмий-текшириш институтининг ботаника боғида ва институтнинг Чимёндаги соғломлаштириш базасида олиб борилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, олимларимиз билан Англия, Дания, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа кўпгина узоқ ва яқин хориж давлатлари олимлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Булардан ташқари, институт кафедралари Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига қарашли Ўсимлик моддалари кимёси институти, Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси, фармацевтика факультетлари билан ҳамкорликни режа ва шартнома асосида бажармоқдалар.

Маънавият ва маърифат ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида тузилган институт режасига асосланиб олиб борилмоқда. Маърифат ва маънавият кунлари кафедра ходимлари томонидан долзарб мавзуларда маъруза ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Халқимиз орасида дори воситаларининг мўъжизакор таъсиридан ҳайратланмаган, олиниши ва сифатини назорат қилиш усуллари, уларнинг таркиби ва таъсир доираси билан қизиқмаган одам кам бўлса керак. Фармацевтика институтида сабоқ олиш иштиёқи билан мурожаат қилаётган ёшлар сонининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги фикримизни тасдиқлаш учун ёрқин мисол бўла олади.

***Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мазкур кафедралардаги ходимларнинг беминнат хизматлари туфайли амалдаги ишлар ўз самарасини бераётган экан, бундан кейин ҳам олдимизга мақсад қилиб қўйган вазифаларни бекаму кўст бажариб, бўлажак соҳа мутахассисларини етук кадрлар қилиб тайёрлашда астойдил меҳнат қиламиз. 70 йиллик тарихга эга бўлган институтимизнинг қутлуғ санаси билан ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этиб, фармацевтика соҳасида олиб бораётган изланиш ва ишларига равнақ тилаб қоламиз.***

**Ҳожиасрор КОМИЛОВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти фармакогнозия кафедраси мудири, профессор.**
**Қудрат УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**фармацевтик кимё кафедраси мудири, доцент.**

***Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳот доирасидаги тадбирлар, яъни «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлашнинг миллий Дастури» олий таълимни ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилашга йўналтирилган. Уларни асосли ва мақсадли амалга ошириш учун олий таълим тизимида, асосан, тилларни ўқитишда янги педагогик технологияларни жорий этиш давр талабига айланмоқда. Тил ўргатиш, ўқитиш шунингдек, таълимнинг шакли, мазмуни, воситаси ва усуллари жараёнида ҳар бир талабадаги имконият, қобилият, иқтидор ҳамда қизиқишларни инобатга олган ҳолда машғулотларни узвийликда олиб бориш муҳим.***

# ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДА

Тил ҳар бир инсон учун, ҳар бир касб эгаси учун ақлий, маънавий, маданий аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар билан ижтимоий, сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ришталарини ўрнатаётганлиги сабабли чет тилини билиш зарурияти тобора ортиб бормоқда. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг камида битта чет тилини билишини тақозо этмоқда. Дарҳақиқат, институтимизда талабаларга чет тилини ўргатиш ва ўқитишнинг мақсади, уларни ижтимоий ҳаётдаги муҳим фаолияти учун зарур бўлган даражада оғзаки ва ёзма нутқ малакаларини оширишдан иборатдир. Талабаларнинг чет тилини ўрганишида тиллар кафедраси ўқитувчилари томонидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Чет тилини ўқитиш фармация ва саноат фармацияси факультетларининг ўқув режасига киритилган бўлиб, мутахассис тайёрлашга эришилди. Уларнинг асосий мутахассислигига мос матнларни ўз ичига олган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. 2006 йилда ўтказилган «Йилнинг энг яхши ўқув адабиёти ва муаллифи» Республика танловида кафедрамиз ўқитувчилари томонидан яратилган «Лотин тили» ўқув қўлланмаси фахрли 2-ўринни эгаллади. Кафедрамиз ўқитувчиларининг меҳнатлари билан чоп этилган «Инглизча-ўзбекча-русча фармацевтика луғати» инглиз тилини ўқитишдаги самарадорликни оширишда қўл келмоқда. Чет тилини ўқитиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Кафедрада дарс ўтишга мослаштирилган махсус компьютер хонаси, видеохоналар мавжуд бўлиб, талабалар белгиланган дастурлар асосида чет тилларини ўзлаштирмоқда.



Институт раҳбарияти тиллар кафедраси ўқитувчиларининг малакасини оширишда аниқ режани тўғри йўлга қўйган. Кафедрамиз ёш ўқитувчиларидан З. Жалилова ва Д. Назироваллар Англия, А. Раҳмонова эса, Малайзия давлатларида ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Кафедрамизнинг барча ўқитувчилари янги педагогик ва ахборот технологиялари бўйича ўз билимларини бойитишган. Улар илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиб, дарс самарадорлигини оширмоқдалар.

Бундан ташқари, ҳар йили кафедра томонидан ўтказиладиган турли тадбирлар талабаларнинг тил ўрганишида катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ёшларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишлари янада ортиб бормоқда. Талабалардаги тил ўрганишнинг ютуқларини ҳар йили институтимиз томонидан ўтказиладиган талабалар илмий жамияти ва олимпиадаларда кўриш мумкин. Охирги 10 йил давомида институтимиз талабалари чет тиллари бўйича республика олимпиадаларида юқори ўнталикдан фахрли ўрин олиб келмоқдалар. Талабалар илмий жамияти анжуманларида эса талабаларимизнинг соф инглиз ёки соф немис тилида эркин маъруза қилишларидан кафедра ўқитувчилари мамнун.

Кафедрада фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг бундан буён ҳам илмий салоҳиятини кўтаришга, услубий юксакликка эришишига, талабаларга тил ўқитишда янгидан-янги изланишлар қилишига ишонамиз.

**Лола БОЗОРОВА,**
**Тошкет Фармацевтика институти, тиллар кафедраси доценти.**

# ЁШЛАР ОНГИДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР

***Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўринга эга эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. Дарҳақиқат, унинг порлоқ келажаги ёшларимиз қўлида экан, уларни ҳар томонлама тарбиялаб, вояга етказиш муҳим вазифаларимиздан биридир.***

Таълим-тарбия жараёни жуда мураккаб бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларни қамраб олади. Ўз халқи, миллати ва Ватани учун жонини фидо қила оладиган ёшларни тарбиялашда миллий онгни шакллантириш, ўзлигини англаш, умуминсоний қадриятларни билиш муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда, яъни глобаллашув жараёни жаҳон миқёсида иқтисодий-ижтимоий, маданий, миллий ривожланиш соҳаларига кириб келмоқда. Ёшларни ҳар томонлама тарбиялаш ушбу жараённинг муҳим масаласидан бири бўлиб, асосан, миллийликни англаш баробарида уларнинг онгига умуминсоний қадриятларни сингдириш лозим. Миллийликни сақлаб қолиш соҳасида бир мисолни келтириш жоиздир. Яқинда ҳафталик нашрларнинг бирида шундай маълумот берилди. Миллийликни сақлаб қолиш борасида катта тажрибага эга давлатлардан бири Японияда қизиқ тадқиқот ўтказилибди. Япон ресторанларида япон миллий таомлари қандай тайёрланаётгани текширилиб, қадимий таомларни тайёрлаш таомилини бузган ресторанлар бутунлай ёпилибди ёки уларни ўрганиб олиш учун маълум муддат вақт берилибди. Бир қарашда оддий воқеа, лекин унинг асл моҳияти шундаки, миллий таомларнинг тайёрланиши, уларни истеъмол қилиб катта бўлаётган ёшлар тарбияси ҳақида қайғурилмоқда. Шунинг учун тилимиз софлиги ва бойлигини сақлаш, эътиқодимиз мустаҳкам бўлиши ҳамда миллийлигимизни авайлаб-асраш муҳимдир. Бунинг учун миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш ва эътиқодни вужудга келтириш зарур.

Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш лозим, яъни мустақил Ўзбекистон келажаги порлоқ давлат, кучли фуқаролар жамиятини барпо этмоқда. Шундай экан, жамиятга муносиб шахслар тарбияси муҳим аҳамиятга эга.

**Биринчидан,** одоб-ахлоқ, этика, руҳий ва маданий тарбия унинг муҳим жиҳатларидир. Кўпчилик: «Биз янги иқтисодий тизимни моддий-ашёвий, моливий оқимлар билан биргаликда қандай қуришимиз лозим, бу борада инсонга қандай ўрин ажратилган?», деган саволга жавоб кутмоқда. Буни тушуниб етиш вақти келди. Ислоҳотлар жараёнида нафақат реал воқеликка, шу жумладан иқтисодиётга, балки кишиларнинг шу воқеликка муносабатини тубдан ўзгартиришга, қайтадан қуришга тўғри келади.

Ҳозирги ислоҳотларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, инсонга ана шу ислоҳотларнинг асосий субъекти, шахс сифатида қаралшидан иборат.

**Иккинчидан,** ислоҳотлар жамиятимиздаги шахснинг меҳнат йўналишини жиддий ўзгартирди. Бунда ишни ислоҳотлар жараёнида шахснинг ролини кучайтириш, кадрларни тарбиялаш тизими, унинг тузилиши ва ташкил этилишини ҳаётга яқинлаштиришдан бошлаш зарур. Йирик ва майда тадбиркорлик самарадорлиги ва ролини ошириш уларнинг ўртача бўғини салмоғини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш, ишбилармонларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш лозим.

**Учинчидан,** инсон капиталини ривожлантириш ва миллий бойликни ошириш талаб этилади. Бизга маълумки, Ўзбекистоннинг миллий бойлиги – бу унинг моддий жиҳатдан таъминланганлиги, ресурсларнинг мўл-кўллигидир. Республикамиз минтақадаги хавфсизликнинг кафолатидир, унинг жаҳондаги сиёсий мавқеи мустаҳкам. Аммо бизнинг назаримизда унинг асосий роли инсонпарварлик ва адолат тамойилларига жавоб берадиган, халқ фаровонлигини ҳар томонлама оширадиган таомилларни жорий этиш ва барқарор демократик ривожланиш йўлидан боришдан иборат.

Миллий бойликлар сарасига, одатда асосий капитал, мол-мулк, табиий ресурслар ва бошқалар киритилади. Ваҳоланки инсон капитали асосий роль ўйнайди. Сабаби у мамлакатнинг умумий салоҳиятига тубдан таъсир кўрсатади. Шу боис, юртимизнинг тинчлиги, осуда ҳаёт, тўкинсочинлик, турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар ёшларимизнинг ҳаракатига боғлиқ. Чунки, мамлакатимиз келажаги баркамол авлодлар қўлида.

Мамлакатимизда одоб-ахлоқ иқлими техникавий жараёнлар билан эмас, балки миллатнинг мероси, умум кучи билан яратилади. Бунинг учун инсон ўзини ҳурмат қилмоғи ва севмоғи керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилаётганлигининг боиси, улар эртага мамлакат тақдирини ҳал қила оладиган кадрлар бўлиб етишмоғи даврнинг талабига айланмоқда.

**Ҳусан МАМЕДОВ,**
**Тошкет Фармацевтика институти «Ижтимоий фанлар» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.**

*Эҳтиром*

# УСТОЗ ЯРАТГАН МАКТАБ



***Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор Маннон Азизович Азизов Тошкент Фармацевтика институти ташкил топган дастлабки даврларданоқ, мазкур даргоҳнинг асосчиларидан бири бўлган. Истеъдодли олим, ташкилотчи ижодий фаолиятини 1937 йил кимё кафедрасида ассистентлик лавозимидан бошлаган. 1957-1970 йилларда дастлаб, профессор сўнгра эса, институт ректори даражасига кўтарилган.***

Астойдил касбига меҳр қўйган ҳамда соҳа ривожи янада равнақ топишида бор куч ва имкониятини ишга солган Маннон Азизовнинг илмий фаолияти биологик фаол моддаларнинг янги тури – микроэлементларнинг органик лигандлар билан ҳосил қилган комплексларини синтез қилиши ва уларнинг хоссаларини ўрганиш билан боғлиқ эди. Устоз 1974 йилда ўзи бошқариб турган кафедра замирида муаммолар илмий текшириш лабораториясини ташкил этди ва координацион кимё соҳасидаги ишларни ривожлантирди. Камтарин инсон асос солган илмий мактаб физиологик фаол комплекс бирикмалар синтезига доир ишлари самараси тан олинган ҳолда, институт қошида муаммолар лабораториясини очиш ташаббуси машҳур олимлар А. Гринберг, А. Белозерский, К. Яцимирский билан бир қаторда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Фанлар Академияси томонидан қўллаб-қувватланган.

Етук олимнинг қўлга киритган илмий изланиш натижалари бионоорганик кимё каби фан тармоғи шаклланишига самарали таъсир қилди. Унинг раҳбарлигида 500 дан ортиқ янги координацион бирикмалар синтез қилинди, жумладан, коамид, ферамид, пирацин, купир, кобальт-30 ва бошқа дори воситалари тиббий амалиётга камқонликнинг оғир турлари, баъзи юқумли касалликлар, туберкулёз, витилиго ва бошқа касалликларни даволашга татбиқ этилди. Аспамар, Ковит каби қатор бирикмалар чорва маҳсулдорлигини оширувчи биостимулятор сифатида қўлланилди. Тажрибали мутахассис томонидан иккита монографик асар, 30 ихтиро ва 300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди. Шунингдек, унинг раҳбарлигида 4 нафар фан доктори ва 25 фан номзоди тайёрланди. Таниқли кимёгар олим Х. Ҳакимов, институт ректори А. Юнусхўжаев, илмий ишлар бўйича проректор О. Шобилолов ҳам устознинг намунали шогирдларидан бўлишган.

Устоз бунёд этган илмий мактаб нафақат диёримиз, балки хориждаги турли соҳа мутахассислари, шифокорлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ходимлари орасида ўз нуфузига эга бўлди.

2003 йилнинг 1-2 май кунлари институтимизда М. Азизов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий анжуманда 230 га яқин олим турли мавзуларда 80 та маъруза билан қатнашди. Анжуман М. Азизов бошлаб берган илмий йўналишни янада кенг истиқболларини белгилаб берди ва энг аълочи талабалар учун М. Азизов номли стипендия таъсис этди. Бу стипендияни «Дори воситаларини стандартлаш илмий маркази» бугунгидек кутлуғ кунларда энг ибратли тўрт талабага ҳар йили тантанали равишда тақдим этади. Ўз олдига эзгу ният билан фаннинг юксак чўққиларини эгаллашни мақсад қилиб олган ёш авлодлар учун намуна бўлаётган, устоз бошлаб берган илмий изланишларни давом эттираётган касбдошларимизга соғлик ва омонлик тилаймиз.

**Саъдулла НАСИРДИНОВ,**
**кимё фанлари номзоди, доцент.**

# ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

***Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг таълим-тарбия ва илму фан ривожига қўшган ҳиссаларини бутун меҳнат жамоаси ва шогирдлари ҳеч қачон унутмайди. Фармацевтика фанлари доктори, профессор Маҳкамов Султон Маҳкамович ана шундай устозлардан биридир.***



Меҳрибон ва камтарин инсон ўзининг бутун онгли ҳаётини шогирдлари ва талабаларнинг таълим-тарбияси ҳамда илму фан ривожига бағишлади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, С. Маҳкамов собиқ Иттифоқ даврида биринчи бўлиб таблетка дори тури технологияси бўйича номзодлик диссертациясини, кейинчалик (1980 й.) эса, «Пресссланадиган массанинг физик-механик таҳлили асосида таблеткалар технологиясини такомиллаштириш» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шунингдек, тажрибали мутахассис илмий ва педагогик фаолиятини «Тайёр дорилар технологияси» кафедрасида ассистентлик лавозимидан бошлаб, фармацевтика фанлари доктори, профессор илмий унвонигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Фахр билан айтиш мумкинки, устоз таблетка дори тури технологияси бўйича етакчи мутахассис ҳисобланади.

Султон Маҳкамович нафақат ўзбекистонлик, балки чет эллик фармацевтик технология фанининг дарғалари ҳисобланган академик А. Тенцова (Москва), профессорлар Е. Борзунов (Киев), В. Чуешов, А. Тихонов (Харьков), И. Ажгихин (Москва), Р. Дилбарханов (Олма-ота) билан илмий-услубий ишларда ҳамкорлик қилган ва дўстона муносабатда бўлган.

Фидойи инсон кафедрага мудирлик қилган даврларида (1978-93) талабаларни нафақат тайёр дорилар технологияси фанини ўзлаштиришга, балки уларнинг таълим-тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берар, шу билан бирга кафедра ходимлари ва шогирдларига нисбатан ўта талабчан эди. Устознинг ташаббуси билан кафедра таблетканинг ишқаланишга ва синишга бўлган каттиқлигини, парчаланиши ва эришини аниқлайдиган лаборатория асбоблари ҳамда РТМ русумидаги янги таблетка машиналари билан жиҳозланди. Бу тадбирлар ўқув ва илмий ишларни юқори савияда олиб боришга катта имконият яратди. Фан фидойиси раҳбарлигида кафедрада 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма, 3 та дарслик ва 300 дан зиёд илмий мақолалар чоп этилди.

Султон Маҳкамовнинг таблетка дори тури бўйича илмий тадқиқотлар олиб борадиган докторант, аспирант ва изланувчиларга мўлжалланган, 1976 йилда чоп этилган «Таблетка ишлаб чиқариш асослари» номли рисоласининг тўлдирилган ва қайта ишланган нашри 2004 йилда қайтадан чоп этилди. Илмий ишларни бажаришда тажрибаларнинг аниқлигига устоз алоҳида эътибор берар эди. Ҳар бир бажарилган тажрибани бир неча марта такрорлаб, олинган натижаларнинг аниқлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, илмий мақола ёзишга рухсат берарди. Бу анъана кафедра ҳаётида ҳали ҳам давом этиб келмоқда.

Етук олимнинг саъй-ҳаракатлари билан 1 та докторлик ва 10 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Эътироф этиш жоизки, устозимиз шогирдлари республика соғлиқни сақлаш тизимининг турли йўналишларида хизмат қилмоқдалар. Биз ҳам ўз ўрнида устозимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз ва у кишидан бир умр миннатдормиз.

Азиз устозимиз Султон Маҳкамович! Сизни институтимизнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан самимий қутлаб, узоқ умр ва сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Муҳаммаджон УСУББАЕВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти «Тайёр дори турлари технологияси кафедраси» мудири, доцент.**

# ТОКСИКОЛОГИК КИМЁ КАФЕДРАСИНИНГ ЮТУҚЛАРИ

*(1991-2007 йиллар)*

***Токсикологик кимё кафедраси институтимизнинг асосий кафедраларидан бири ҳисобланади. Кафедра жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли кўплаб муваффақиятли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, юртимиз мустақилликка эришгач, кафедра ҳаётида туб ўзгаришлар бўлди.***

Кафедранинг жонкуяр профессорлари Л. Икромов, М. Тожиев, Х. Зайнутдиновлар томонидан мустақил республикамизнинг 16 йиллигига бағишлаб, «Токсикологик кимёдан практикум» ўқув қўлланмаси шунингдек, ўқув-услубий ишлар бўйича «Токсикологик кимё» фанидан ўтилаётган бўлимлар юзасидан кафедра профессор-ўқитувчилари янги ўқув дастури асосида 34 та лотин, кирилл ва рус тилларида ўқув-услубий қўлланмаларни чоп этишга эришдилар. Тажрибали, илм-фанга йштиёқи баланд бўлган кафедра профессор-ўқитувчилари заҳарли химикатлар, пиретроидлар ва дори моддаларини биологик объектлар таркибидан ажратиб олиш, сифат ва миқдорини аниқлашдан иборат бўлган илмий изланишлар борасидаги муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича 150 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ҳамда Адлия вазирликлари томонидан 1998, 2001, 2004, 2006 ва 2007 йилларда ўтказилган илмий анжуманларда кафедра ходимлари, докторант ва аспирантлари мунтазам қатнашиб келдилар. Улар томонидан тайёрланган 15 та услубий қўлланма Республика Суд тиббий-экспертиза амалиётида фойдаланиб келинмоқда. Бунинг баробарида кафедрада илмий педагог ходимлар тайёрлашда ҳам юқори натижаларга эришилмоқда. Фахр билан айтиш мумкинки, 1992 йилда доцент М. Тожиев ва докторант Х. Зайнутдинов ўз илмий ишларини якунлаб, Москва Тиббиёт академиясининг Ихтисослашган кенгашида муваффақиятли равишда ҳимоя қилиб, «Фармацевтика фанлари доктори» илмий даражасига сазовор бўлдилар. Фаолияти давомида ўз иқтидорини ишга солган кафедра аспирант ва изланувчилари М. Алихўжаева (1992 йил); З. Юлдашев (1993 йил), Х. Олимов (2002 йил), Х. Бекчанов (2005 йил), Д. Шодмонова (2006 йил) илмий ишларни жамлаб, номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. 2007 йилда эса, кафедра доценти З. Юлдашев институтимиз қошидаги Д.087.12.01 – Ихтисослашган кенгашда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Кафедра илмий салоҳиятини ошириш мақсадида ҳозирги кунда докторант ва аспирантлар билан илмий изланишлар олиб боришга кенг эътибор берилмоқда. Улардан докторант М. Алихўжаева, аспирантлар Ф. Жалилов, Н. Қосимжонова ва М. Ибрагимова ўз илмий изланишларини кафедранинг илмий йўналишида олиб бормоқдалар. Шу билан бир қаторда кафедра профессор-ўқитувчилари хорижий мамлакатлар конференцияларида ҳам мунтазам иштирок этиб келмоқдалар. Тажрибали ва етук мутахассисларимиздан фармацевтика фанлари доктори, профессор М. Тожиев (1996 йил), доцент А. Тошпўлатов (1997 йил) Туркиянинг Анқара шаҳрида фармацевт-кимёгарларнинг халқаро симпозиумида иштирок этдилар.

**Мансур ТОЖИЕВ,**
**токсикологик кимё кафедраси мудири, профессор.**

# СИФАТ НАЗОРАТИ – БОШ МЕЗОН

***Тошкент Фармацевтика институтининг фармацевтик кимё кафедраси 1939 йилда ташкил этилган илк мутахассислик кафедраси бўлиб, унинг зиммасига дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш борасида мутахассис кадрлар тайёрлаш, дори воситаларини излаб топиш, уларни тиббиёт амалиётига жорий этиш, сифат кўрсаткичларини аниқлаш, турғунлигини таъминлаш, яроқлилик муддати ва сақлаш шароитларини белгилаш каби бир қатор илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш вазифалари юклатилди.***

Жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлган Ватанимизда яшаб ижод этган буюк аждодларимиз Ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний фармацевтик кимё фанининг тамал тошини қўйиб, ўзларининг асарларида бир қатор доривор ўсимликлар ва дори-дармонларни тайёрлаш ҳамда сифатини аниқлаш йўлларини баён этганлар.



Академиклар Собир Юнусов, Обид Содиқов, Ноил Абубакиров, Абдулла Султонов кабилар ўзларининг илмий тадқиқот ишлари билан фармацевтик кимё фанини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга муваффақ бўлдилар.

Кафедрани ташкил этиш, ўқув услубий ва илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш каби мураккаб вазифаларни ҳал этишда ҳормай-толмай меҳнат қилган Ё. Қодиров, А. Ибодов, Е. Пучинян каби устозларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Мустақиллик шарофати билан кафедра ходимлари учун эркин, сермаҳсул ижод билан шуғулланиш имконияти яратилиб, фанлар учун ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатмалар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди.

Бир қатор яқин ва узоқ хориж мамлакатларининг турдош олийгоҳлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари Россия, Туркия, Украина, Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Қозоғистон каби давлатларнинг фармацевтика олийгоҳларида тажриба алмашиб, малакаларини ошириб қайтдилар. «Фармацевтик таҳлил ва фармакогнозия» мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрланмоқда ва бу кафедра ўқитувчилари сафини ёш, истиқболли магистрлар ҳисобига кенгайтириш имконини бермоқда.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 2 та дарслик, 1 та ўқув қўлланмаси, 4 та монография, 2 та электрон дарслик ва 4 та маърузалар матни, 50 дан ортиқ услубий қўлланмалар тайёрланди. Етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан ўқилган маърузалар ва лаборатория дарслари видеотасма ва DVD дискларга туширилиб, талабалар томонидан фанларни ўзлаштиришларида кенг фойдаланилмоқда.

Маънавият ва маърифат ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида тузилган институт режасига асосланиб олиб борилмоқда. Маърифат ва маънавият кунлари кафедралар ходимлари томонидан долзарб мавзуларда маърузалар ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Институтимизнинг 70 йиллик тўйи арафасида фармацевтик кимё кафедрасининг профессор-ўқитувчилари бажарилиши лозим бўлган ишлар салмоғини чуқур англаган ва эришилган муваффақиятлардан руҳланган ҳолда уларга танқидий ёндошиб, замон талаблари асосида фаолият олиб бориш орқали илм-фаннинг юксак чўққиларини забт этишни мўлжалламоқдалар.

Бой тажриба ва юқори малакага эга бўлган илмий-педагогик ходимлар, иқтидорли аспирант ва изланувчилар, замонавий ўқув базаси ва илмий лабораториялар, теран тарихий анъаналарга эга бўлган фармацевтик кимё кафедрасининг салоҳияти барча жабҳаларда жаҳон фармацевтика андозаларига мос келувчи самарали фаолият кўрсатиш имкониятига эга эканлигидан далолат беради.

**Қудрат УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти фармацевтик кимё кафедраси мудири, доцент.**

***Кейинги пайтларда экологик вазиятнинг ўзгариб бораётганлиги туфайли аҳоли ўртасида турли хил касалликлар кўпайиб бормоқда. Бу хасталикларни ўз вақтида даволай олмаслик ҳаёт учун хавфли асоратларга олиб келиши мумкин. Ҳозирда турли касалликларни даволаш учун врачлар қўлида ҳар хил кимёвий гуруҳларга кирувчи дори воситалари мавжуд. Лекин уларнинг кўпчилиги асосан хориждан келтирилади ва булар иқтисодий жиҳатдан маълум қийинчиликларга олиб келади.***

# ФАРМАЦЕВТЛАР ОЛДИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Шу сабабдан терапевтик самараси юқори, айни вақтда ножўя таъсирлардан ҳоли бўлган ҳамда маҳаллий маҳсулотлар асосида олинадиган янги дори воситаларини излаш, ўрганиш ва уларни тиббиёт амалиётига татбиқ этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Юқоридагиларни инобатга олиб, Тошкент Фармацевтика институтининг ходимлари халқ табобатида ишлатилиб келинаётган маҳаллий доривор ўсимликларни илмий жиҳатдан тўла ўрганиб чиқмоқдалар ва улар ичида юқори биологик фаолликка эга табиий ва маҳаллий препаратларни тиббиёт амалиётига татбиқ этмоқдалар. Чунки, синтетик препаратларга қараганда табиий хом ашёлар, доривор ўсимликлар ва мева-чевалардан олинган препаратлар нисбатан мулойим ҳамда селектив таъсирга эгадир.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотига қараганда, шу пайтгача врачлар беморларни турли хил дорилар билан даволаб келган бўлсалар, энди уларни дорилар туфайли юзага келувчи ножўя таъсирлардан ҳимоя қилишга тўғри келмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгандан бери бу борада катта амалий ишлар қилинмоқда. Институтимиз ходимларининг машаққатли меҳнатлари туфайли кейинги 15 йил ичида 70 дан ортиқ доривор ўсимликлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Натижада тиббиёт амалиётига 30 та дан ортиқ маҳаллий, табиий ўсимликлар йиғмасидан иборат препаратлар татбиқ этилди. Хусусан, Самарқанд бўзночи, тубулғибаргли бўймадарон, кийик ўти, Осиё ялпизи, тоғрайҳон, лимон ўти, жўхори сўтачи, Зарафшон арчаси, тукли ханделия, регель қўзиқулоғи, унаби, бағмал гул ўсимликлари яллиғланишга, қон босими, йўтал, меъда ва 12 бармоқли яралар, қанд ва бошқа касалликларга қарши ҳамда пешоб ажралишини жадаллаштирувчи ва қон ивиш жараёнига таъсир этувчи дори воситалари сифатида тавсия этилди.

Юқорида қайд этилган ўсимлик препаратларини республикамизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш аҳоли эҳтиёжини қулай нархларда тўла ва узлуксиз таъминлаш имконини беради. Афсуски, ушбу дори воситаларини шу кунгача саноат миқёсида тайёрланмаяпти. Уларни турли хил дори шаклларида ишлаб чиқариш эса мустақил республикамизни иқтисодий қийинчиликлардан маълум даражада ҳоли этади. Бу масаланинг ижобий ҳал қилиниши фармацевтлар ва саноат фармацевтлари олдидаги долзарб масаладир.

**Ҳабибулла АЛИЕВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти «Фармакология ва клиник фармация» кафедраси мудири, профессор.**

# ВАТАН ТУЙҒУСИНИ ЁШЛАР ҚАЛБИГА СИНГДИРИШ

***Олдимизда ниҳоятда муҳим, яъни келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу албатта, эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини халқ ва Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Бундай вазифани амалга оширишда институтимизда ўтказилаётган «Маънавият кунлари»нинг ҳиссаси жуда катта. Бу кунлар талабалар маънавиятини бойитиш, уларнинг келгусида юксак малакали мутахассис ва Ватан фидойилари бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга.***

«Маънавият кунлари»да талаба онги, дунёқараши ва теран тафаккурини камол топтириши мумкин бўлган, хулқи ва она юртига садоқат руҳида тарбиялашга туртки бўла оладиган, миллатимиз ғурури ва шаънини тўла-тўкис англаб олиши учун маънан ёрдам берадиган тарихий обидаларга тез-тез сафарлар уюштирилади. Мустақиллик неъматлари бўлмиш ўзлигимизни англаш, аслий ва азалий қадриятларимизни тиклаш жараёнларида меъморий обидалар, буюк аждодларимиз, улуғ алломалар, фозиллар ва саркардаларнинг табаррук номлари тикланди. Уларга атаб ўрнатилган ҳайкаллар, зиёратгоҳ мажмуалари, майдонлар ва бошқа бунёдкорлик ишлари эса бугун ўзига хос кўргазмали қўлланма вазифасини бажармоқда.

Шундай зиёратгоҳлардан бири Темурийлар тарихи Давлат музейига талабалар билан ташриф буюрганимизда, истиқлолнинг шарофати ила бир неча минг йиллик бой ўтмишимиз билан бирга миллатимиз шаъни ва тимсоли сифатида Соҳибқирон қадрияти ҳам тиклангани ҳақида алоҳида айтиб ўтмоқчимиз.

Амир Темурнинг жаҳон давлатчилиги ва бошқарувида қолдирган буюк мероси билан биргаликда сиёсатда инсонпарварлик, жамиятда адолат тантана қилиши учун курашда, эркинлик ва инсоннинг яшаш ҳуқуқи сингари ноёб қадриятларни юксак мақомга кўтарганлиги ва янги мазмун билан бойитганлигини такрор ва такрор айтиш жоиздир. Амир Темурнинг ота-боболаримиз хотираси йўлида сарфлаган куч-ғайрати, кўрсатган меҳр-муҳаббатини давом эттириш, аждодлар узвийлигини асраб-авайлаш навбати бизга келганлиги ва бу миллатимиз маънавий қадриятларининг муҳим омилларидан бири эканлигини ёшлар онгига сингдиришга ҳаракат қилишимиз муҳим.

Биз талабаларга шу даврга қадар ҳам ўтганлар руҳини эслаб келганлигимиз, уларнинг қабрларига гулчамбарлар қўйганлигимиз, номларини абадийлаштирганлигимиз, шунингдек, мамлакатимиз мустақил бўлиб, эркимиз ўз қўлимизга ўтгач, бу анъаналаримиз ўзгача мазмун ва маъно касб этганлигини тушунтирамиз. Энди нафақат марҳумларни эслаш, хотирлаш, балки улар босиб ўтган шонли йўлларнинг шуҳратини тиклаш, боболаримиз қолдирган барча маънавий ва маърифий меросни қадрлаш ҳамда уларнинг қадрига етишни ҳам ўргатиб келмоқдамиз.

Талабаларимиз бу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилар экан, ёшларга ватандошларимиз босиб ўтган мунаввар йўл ҳақида, қолдирган бебаҳо мерос хусусида ҳикоя қилиб кераклича



маълумотлар бериб борамиз. Бу зиёбахш гўшалардаги гоҳи маҳзун, гоҳи қувноқ ҳикоялар бизни ўтмишга етаклайди, бугунги тинчлик ва эркинликнинг бебаҳо неъмат эканлигини англатади, миллат келажаги учун фидойиларча курашиш лозимлигини ўргатади.

Жумладан, хотира хиёбони ва "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ташриф буюрганимизда, марҳумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш савоб иш ҳамда улар номини яхшилик билан тилга олиш асосий урф-одатларимиздан бири эканлигини талабаларга уқтириб борамиз. Ватан туйғуси аввало аждодлар ёди, уларнинг хотирасини эслаш ва қадрлаш, теварак-атрофда бўлаётган воқеаларни сезгирлик билан кузата бориб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туриш, ўзининг келажак авлодлари олдида масъул эканлигини ҳис этиш зарур, деб ёшлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қиламиз.

Ватан туйғуси – бу Иккинчи жаҳон урушида мардона жанг қилган ватандошларимиз, қатағон йилларида қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечирган ҳамда ҳалок бўлган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби минглаб ватандошларимиз ёдини эҳтиром билан эслаш ва улар хотирасини мангу сақлашни ўргатамиз. Зиёратгоҳларга ташриф чоғида талабаларимиз қадимий меросимизни авайлаб-асраш юртимизни обод этиш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик намуналарини кўрадилар ва фахрланадилар.

Шунинг учун ҳам Президентимиз хотира хиёбони тўғрисида: "Бу жой шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади", деган эди. Зеро, бундай пурмаъно сўзларнинг замирида олам-олам маъно ётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Маънавият кунларида ўтказиладиган тадбирлар ёшларни шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари бўлиб тарбияланишига катта ёрдам бермоқда. Бугунги ёшлар онгида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек фазилатлар мустаҳкамланиб бораётганлиги қувончлидир.

Мустақил юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда, шу билан бирга миллати, диний эътиқоди, касбу коридан қатъи назар, ҳамюртларимизда она-Ватан тақдири учун масъуллик туйғусини юксалтириш, айниқса, ёш авлодни қатъиятли ва ирода соҳиби этиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Зотан, озод ва обод Ватанимизнинг истиқболи, эртанги куни, тараққиёти айнан шу ёшлар қўлидадир.

**Нигматжон СУЮНДИҚОВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти, тиллар кафедраси мудири, доцент.**

*Спорт*

# ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

***«Таълим тўғрисида» (1997 й.) ва «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (2000 й.) Қонунлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», «Соғлом авлод» Давлат дастури ҳамда улар билан боғлиқ бўлган Қарор, Фармон ва низомларда талаба-ёшларнинг маънавий ва жисмоний баркамоллигини тарбиялаш, фармация, биотехнология, клиник ва саноат фармациялари каби касбларни эгаллашда замонавий билимлар бериш каби муҳим масалаларнинг ижроси таъминлаб келинмоқда.***

Институтимизда жисмоний тарбия ва спорт ишлари яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу соҳада ҳам талаба ва ўқитувчиларимиз ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар. Айтиш жоизки, талабаларимизнинг жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитга эга бўлган спорт иншоотимиз уларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Жумладан, баскетбол, волейбол, футбол, катта теннис билан очиқ спорт майдонида ўқув машғулотларидан сўнг талабалар фаол шуғулланадилар. Шунингдек, спортга қизиқиши ва иқтидори бўлган талабаларимиз кураш, нафис гимнастика, стол тенниси ва тренажёр залларида маҳоратларини ошириб келмоқдалар.

«Талабалар тураржойи»да истиқомат қилувчи талабалар учун атлетик гимнастика билан шуғулланиш мақсадида 2005 йилда барча замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган махсус спорт зали ҳам фойдаланишга топширилган. Айниқса, ётоқхонадаги талабалар ҳар куни эрталаб кафедрамиз томонидан тавсия этилган услубий кўрсатмалар асосида енгил мусиқий тарона остида эрталабки гигиеник гимнастика машқларини бажариб келадилар. Эрталаб бадантарбия билан мунтазам шуғулланишда хосият кўп. Бу ҳақда Ибн Сино шундай деган: «Жисмоний машқлар билан мўътадил шуғулланган киши ҳеч қандай дори-дармонга муҳтож бўлмайди». Ҳақиқатдан ҳам жисмоний машқлар инсон танасини соғлом қилади, хуш кайфият бағишлайди, турли касалликлардан фориғ этади ва иш унумдорлигини оширади. Институтда оммавий спорт турлари бўйича 6 та спорт секцияси фаолият олиб боради. Шу жумладан, Митрофанов номли сув спорти саройида талабаларимиз учун абонентлар арзонлаштирилган нархда олиб, улар у ерда сузиш турлари бўйича таниқли спорт мураббийлари раҳбарлигида маҳоратларини ошириб келмоқдалар. Мунтазам ишлаб турган спорт тўгаракларида фаол иштирок этаётган маҳоратли талабалар билан мамлакатимизнинг етакчи спорт мураббийлари доимий ҳамкорликда шуғулланиб келадилар. Бунинг натижасида талабаларимиз спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақаларда иштирок этиб, юқори ўринларга муносиб бўлмоқдалар. Жумладан, фармация факультетининг 5-босқич талабаси Сухроб Юсупов Шарқ яккакурашининг кунг-фу туридан мамлакатимизнинг икки карра чемпиони бўлиб, айни кунда мустақил равишда ўсмир болаларга мураббийлик қилмоқда. Халқаро тоифадаги спорт устаси Сергей Фотиев спортнинг пауэрифтинг тури бўйича 75 кг вазн тоифасида мамлакатимизнинг кўп карра ғолиби бўлди. Тошкент шаҳри ва мамлакат кубоклари соҳиби, спорт устаси Нилуфар Абжамилова белбоғли кураш бўйича Истарафшан шаҳрида бўлиб ўтган Фозил Паҳлавон хотирасига бағишланган халқаро турнирда 63 кг вазнда қатнашиб, турнир ғолиби ва олтин медаль соҳибаси бўлган. Шокотан – каратэ бўйича фармация факультетининг 3-босқич талабаси Ситора Комилова ёшлар ўртасида мамлакатимиз биринчилигининг тўрт карра ғолиби шоҳсупасидан ўрин олди. Спортнинг бодбилдинг тури бўйича фармация факультетининг 4-босқич талабаси Аҳрор Солиҳов ўтган йили Андижон шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигининг чемпиони бўлган бўлса, унинг курсдоши Акмалхон Баҳодирхўжаев жорий йилдаги мамлакат биринчилигининг бронза медали соҳиби бўлди. Ўтган йили фармация факультетининг 4-босқич талабаси Улуғбек Яҳёев таэквондо бўйича жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга киритди. Пауэрифтинг бўйича Корея Республикасида бўлиб ўтган Осиё биринчилигида Сергей Фотиев жамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллаб юртимизга кумуш медални олиб келди. Баскетбол бўйича қатorasига 2 йилдан буён саноат фармацияси факультетининг 3-босқич талабаси Қизлархон Қўшназарова етакчилигидаги институт қизлар терма жамоаси Тошкент шаҳри олий ўқув юртлари ўртасида 3-ўринни эгаллаб келмоқда.

Талабаларнинг «Универсиада» мусобақаларида ўқув муассасамиз вакиллари ҳам узлуксиз иштирок этиб келмоқдалар. Жумладан, Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 23-27 июнь кунлари бўлиб ўтган «Универсиада – 2007» финал мусобақасида институтимиз вакиллари Маъруфжон Қирғизбоев ва Нилуфар Абжамилова белбоғли кураш бўйича ҳакам сифатида қатнашиб, мусобақа жараёнида юксак рейтинг натижалар кўрсатганлари туфайли улар «Универсиада – 2007» финал ўйинининг сертификат ва эсдалик совғаларини олишга сазовор бўлдилар. «Инсон соғлом бўлиши керак, бунинг учун эса ёшлигидан жисмоний машқлар билан шуғулланиши лозим, чунки, бундай киши, ўзини ранжитишга йўл бермайди ва Ватанни ҳимоя қила олади», деган экан буюк олим Мирзо Улуғбек.

***Дарҳақиқат, институтимиз раҳбарияти томонидан талабаларнинг саломатлиги учун яратган бундай имкониятлари уларнинг янада соғлом ва бақувват бўлишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.***

**Асомиддин АБЖАМИЛОВ,**
**Тошкент Фармацевтика институти жисмоний тарбия кафедраси мудири.**

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

# «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

(Продолжение. Начало на 1-й стр.)

**3.** Указать на персональную ответственность всех руководителей центрального аппарата Министерства здравоохранения и его структурных подразделений, руководителей Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений здравоохранения областей и г.Ташкента, а также руководителей НИИ, медицинских центров и лечебно-профилактических учреждений за своевременное и эффективное выполнение задач, определенных Указом и Постановлением Президента Республики Узбекистан.

**4.** Министру здравоохранения Республики Каракалпакстан, начальникам управлений здравоохранения областей и г.Ташкента обеспечить широкое обсуждение основных задач дальнейшего углубления реформирования здравоохранения, определенных Указом Президента Республики Узбекистан, среди коллективов лечебно-профилактических учреждений.

**5.** Руководителям центрального аппарата Министерства здравоохранения и его структурных подразделений обеспечить своевременное и эффективное выполнение Плана контроля реализации Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года № УП-3923 и Постановления Президента Республики Узбекистан от 2 октября 2007 года № ПП-700 (приложение № 1).

**6.** Начальникам ГУЛПП (Ш.Х.Хашимов), ГУОМиД (К.Т.Ядгарова), ГУЭиФ (Б.А.Хашимов), ГУНиУЗ (Ш.Э.Атаханов), ДГСЭН (С.С.Саидалиев):

6.1. В срок до 30 октября 2007 года разработать и внести в Кабинет Министров проекты положений о Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре, областном многопрофильном медицинском центре, областном детском многопрофильном медицинском центре, областном центре медицинской диагностики, районном (городском) медицинском объединении, а также сельском врачебном пункте;

6.2. В срок до 1 ноября подготовить приказ Минздрава по утверждению номенклатуры учреждений здравоохранения Республики Узбекистан.

**7.** Начальникам ГУЭиФ (Б.А.Хашимов) и УБУиО (С.С.Махмудходжаев):

7.1. Совместно с Министерством финансов разработать механизм упразднения централизованных бухгалтерий Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан, управлений здравоохранения областей и г. Ташкента, центральных районных (городских) больниц, а также территориальных центров санитарно-эпидемиологического надзора с созданием на их базе:

* отделов (секторов) финансирования учреждений здравоохранения в структуре территориальных финансовых органов;

* финансово-бухгалтерской службы в каждом учреждении здравоохранения с приданием этим учреждениям статуса юридического лица.

7.2. Принять действенные меры по укомплектованию финансово-бухгалтерских служб медицинских учреждений высококвалифицированными специалистами и постоянному повышению их профессионального уровня.

**8.** Начальникам ГУЛПП (Ш.Х.Хашимов), ГУЭиФ (Б.А.Хашимов), ГУРМТБ (Н.Б.Каланов), ДГСЭН (С.С.Саидалиев), директору НИИ ГиПК Х.Я.Каримову, главным специалистам Минздрава по гематологии и трансфузиологии:

8.1. Совместно с Министерством финансов и Министерством экономики Республики Узбекистан до 30 октября внести в Кабинет Министров предложения:

* об усилении контроля за соблюдением стандартов заготовки, безопасности, хранения крови, ее компонентов и препаратов в медицинских учреждениях и стандартов гематологической помощи населению;

* о переводе с 1 января 2008 года всех медицинских процедур, связанных с обращением крови, на использование одноразовых медицинских изделий и инструментов, с утверждением перечня изделий и инструментов, запрещенных к многоразовому использованию;

* о проведении в 2008-2010 годах капитального ремонта института гематологии и переливания крови, станций переливания крови, центров СПИД, предусмотрев их оснащение современным лабораторным и другим оборудованием за счет бюджетных средств и привлечения грантов и займов международных организаций и финансовых институтов.

**9.** Начальнику Управления лицензирования и контроля качества медицинских услуг В.С.Алимовой:

9.1. Усилить контроль над деятельностью частных медицинских учреждений в пределах компетенции Минздрава, обратив внимание на:

* возможность осуществления медицинским учреждением лечебной деятельности только по определенным видам специализации, перечень которых утверждается Кабинетом Министров Республики Узбекистан;

* наличие современной материально-технической базы, включающей диагностическое и лечебное оборудование;

* самостоятельное осуществление диагностической и лечебной деятельности находящимися в штате учреждения высококвалифицированными врачебными кадрами, имеющими квалификационную категорию по соответствующей специальности;

* организацию деятельности медицинского учреждения исключительно в зданиях и помещениях, отвечающих стандартам лечебного процесса.

9.2. В срок до 30 октября 2007 года разработать и внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан:

* проект положения об организации деятельности Управления лицензирования и контроля качества медицинских услуг Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;

* проект обновленного положения о лицензировании медицинской деятельности, предусмотрев особый регламент осуществления Министерством здравоохранения надзора за соблюдением частными медицинскими учреждениями лицензионных требований и условий.

**10.** Начальнику Управления реформирования, приватизации и платных услуг А.А.Агзамову: вести мониторинг и при необходимости оказать содействие региональным органам здравоохранения в осуществлении оптимизации сети здравоохранения и коечных мест, в том числе за счет ликвидации, преобразования маломощных медицинских учреждений в отделения соответствующих больниц либо их передачи для создаваемых республиканских специализированных научно-практических медицинских центров.

**11.** Директору Института здоровья и медицинской статистики З.Д.Муталовой: совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в срок до 20 ноября разработать и внести в Кабинет Министров "Комплексную программу по обеспечению широкой популяризации среди населения здорового образа жизни и развития профилактического здравоохранения", обратив особое внимание на значимость самопрофилактики и соблюдения личной гигиены как главного инструмента укрепления здоровья населения.

**12.** Начальнику ГУРМТБ Н.Б.Каланову: совместно с Министерством экономики, финансов и Госархитектстроем Республики Узбекистан, а также совместно с Советом Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятами областей и г. Ташкента:

12.1. В срок до 30 декабря 2007 года провести комплексную инвентаризацию и оценку состояния материально-технической базы вновь создаваемых районных медицинских объединений, областных многопрофильных медицинских центров, включая детские, центров медицинской диагностики с одновременным внесением предложений о ликвидации или преобразовании маломощных неэффективных лечебных учреждений;

12.2. По итогам проведенной инвентаризации разработать и внести в Кабинет Министров проект "Программы по поэтапному капитальному ремонту и оснащению (дооснащению) в 2008-2012 годах современным диагностическим и лечебным оборудованием областных многопрофильных медицинских центров и диагностических центров, районных медицинских объединений и санитарно-эпидемиологических служб", предусмотрев привлечение для этих целей грантов и займов международных организаций и финансовых институтов;

12.3. Включать в Инвестиционные программы Республики Узбекистан на 2008-2012 годы реконструкцию зданий для создаваемых республиканских специализированных научно-практических медицинских центров, областных центров медицинской диагностики, многопрофильных медицинских центров, включая детские, с оптимальным размещением их подразделений в соответствии с технологиями диагностики и лечения больных.

**13.** Начальникам ГУРМТБ (Н.Б.Каланов), ГУЛПП (Ш.Х.Хашимов), ГУЭиФ (Б.А.Хашимов), ДГСЭН (С.С.Саидалиев), директору Республиканского специализированного центра хирургии Ю.И.Калиш: в срок до 20 ноября подготовить и внести в Кабинет Министров Республики Узбекистан предложения по реализации комплекса мер по организации при Республиканском специализированном центре хирургии отделения кардиохирургии с использованием имеющихся площадей, производственно-технического и кадрового потенциала Центра.

**14.** Начальнику ГУНиУЗ Ш.Э.Атаханову: совместно с Министерством высшего и среднего специального образования, Министерством экономики Республики Узбекистан в срок до 20 октября внести в Кабинет Министров предложения по дальнейшему совершенствованию системы подготовки и переподготовки медицинских кадров, предусматривающие:

* оптимизацию сроков обучения в медицинских высших образовательных учреждениях, повышение квалификации и совершенствование профессионального уровня врачебного персонала через клиническую ординатуру;

* обучение главных врачей медицинских учреждений и их заместителей на специальных краткосрочных курсах по менеджменту медицинским учреждением;

* организацию периодической аттестации врачей с целью проверки их профессиональной подготовки и соответствия занимаемой должности (выполняемой работы).

**15.** Начальникам ГУНиУЗ (Ш.Э.Атаханов), ГУЛПП (Ш.Х.Хашимов), ГУОМиД (К.Т.Ядгарова), отдела кадров (Т.П.Хакимов): в срок до 15 октября 2007 года разработать и внести на утверждение в Кабинет Министров Республики Узбекистан:

* проект "Положения об аттестационной комиссии"

* проект "Порядка проведения аттестации"

* проект "Перечня должностей руководящих работников системы здравоохранения, подлежащих аттестации".

При этом предусмотреть:

* проведение на ежегодной основе аттестации руководящих работников системы здравоохранения, включая оценку их соответствия занимаемым должностям по уровню профессиональной подготовки и квалификации;

* принятие мер по укреплению кадрового состава Минздрава и его территориальных органов высококвалифицированными специалистами;

* выработку предложений по созданию системы постоянного повышения квалификации и роста профессионального уровня руководителей первичного звена и органов управления системы здравоохранения.

**16.** Принять к сведению, что пункт 1, приложения №1 и 7 к Постановлению Кабинета Министров от 14 января 1999 года №18 "О совершенствовании управления в системе здравоохранения Республики Узбекистан", приложение №2 к постановлению Кабинета Министров от 2 октября 2006 года №207 утратили силу.

**17.** Главному юрисконсульту Министерства здравоохранения И.П.Дудукиной совместно с соответствующими начальниками управлений, совместно с Министерством юстиции и другими заинтересованными министерствами и ведомствами внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в действующее законодательство, вытекающих из Указа Президента Республики Узбекистан от 19 сентября 2007 года №УП-3923.

**18.** Контроль за исполнением настоящего приказа возложить на первого заместителя министра здравоохранения А.М.Хаджибаева и заместителей министра здравоохранения М.Х.Ходжибекова, Б.И.Ниязматова, А.И.Камилова и Н.У.Шарапова.

**Министр Ф.Г.НАЗИРОВ.**

(Продолжение на 9-й стр.)

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

# «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

Приложение №4
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. №ПП-700

### СХЕМА
### организации системы здравоохранения Республики Узбекистан

- Министерство здравоохранения Республики Узбекистан
  - Республиканский Центр экстренной медицинской помощи
    - Областной филиал Республиканского Центра экстренной медицинской помощи (12)
  - Республиканские лечебно-профилактические учреждения (29)
  - Республиканские специализированные медицинские центры (10)
  - НИИ, вузы, республиканские центры и ссузы (95)
  - Институт здоровья и медицинской статистики и его филиалы (154)
  - Республиканский Центр по борьбе со СПИДом
  - Служба крови в структуре НИИ гематологии и переливания крови
  - Республиканский Центр государственного санитарно-эпидемиологического надзора
  - Управления здравоохранения областей и г.Ташкента, Министерство здравоохранения Республики Каракалпакстан (14)
    - Областной многопрофильный медицинский центр (13)
    - Областные специализированные больницы, родильные дома, диспансеры (217)
    - Областной детский многопрофильный медицинский центр (13)
    - Областной центр медицинской диагностики (14)
    - Областной центр по борьбе со СПИДом (14)
    - Областная станция переливания крови (16)
    - Областной Центр государственного санитарно-эпидемиологического надзора (14)
      - Районный (городской) Центр государственного санитарно-эпидемиологического надзора (198)
    - Районное (городское) медицинское объединение (центральная районная (городская) многопрофильная поликлиника, центральная районная (городская) больница с отделением экстренной медицинской помощи) (197)
      - Сельские врачебные пункты, семейные поликлиники (в городах), акушерские комплексы, специализированные больницы и диспансеры
  - Частные медицинские учреждения

---

Приложение №5
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. № ПП-700

### Структура центрального аппарата Министерства здравоохранения Республики Узбекистан

- **Министр**
  - Секретариат аттестационной комиссии (2 ед.)
  - Первый заместитель министра
    - Главное управление организации лечебно-профилактической помощи
    - Отдел координации разработки и внедрения стандартов диагностики и лечения (3 ед.)
    - Отдел организации стационарной и специализированной медицинской помощи (3 ед.)
    - Отдел организации первичной медико-санитарной помощи (3 ед.)
    - Группа медико-социальных проблем (2 ед.)
  - Заместитель министра, Главный государственный санитарный врач
    - Главное управление санитарно-эпидемиологического надзора
    - Санитарно-гигиенический отдел (2 ед.)
    - Эпидемиологический отдел (2 ед.)
  - Заместитель министра
    - Главное управление охраны материнства и детства (4 ед.)
  - Заместитель министра
    - Главное управление науки и учебных заведений
    - Отдел по координации научно-исследовательской деятельности (4 ед.)
    - Отдел учебных заведений (2 ед.)
  - Заместитель министра
    - Главное управление развития материально-технической базы (4 ед.)
    - Управление бухгалтерского учета и отчетности (4 ед.)
    - Административно-хозяйственное управление (2 ед.)
  - Управление лицензирования и контроля качества медицинских услуг, оказываемых негосударственными учреждениями (7 ед.)
  - Контрольная инспекция (4 ед.)
  - Главное управление экономики и финансирования
    - Отдел анализа и контроля целевого использования бюджетных средств (2 ед.)
    - Отдел прогнозирования развития и финансирования здравоохранения (3 ед.)
  - Отдел кадров (2 ед.)
  - Аппарат при руководстве (4 ед.)

*Подведмственные организации*

- Республиканские специализированные научно-практические медицинские центры (РСНПМЦ), Республиканские специализированные медицинские центры (РСМЦ), Республиканский центр экстренной медицинской помощи с филиалами, клиники и больницы республиканского подчинения, Республиканское бюро судмедэкспертизы, Республиканский паталого-анатомический центр, Главное управление по контролю качества лекарственных средств и изделий медицинского назначения, Центр лекарственной политики, Институт Здоровья и медицинской статистики, Журнал «Сихат –саломатлик»
- Республиканский Центр санитарно-эпидемиологического надзора, территориальные центры санитарно-эпидемиологического надзора, Республиканский центр по борьбе со СПИДом, Республиканский центр профилактики карантинных и особо опасных инфекций, Республиканская дезинфекционная станция, объединение «Резерв», 2-е управление, Бюро реализации Глобального фонда
- РСНПМЦ педиатрии, РСНПМЦ акушерства и гинекологии, детские больницы и клиники республиканского подчинения, перинатальный центр, детские противотуберкулезные санатории, детский психоневрологический диспансер, Бюро реализации проектов - Здоровье – 2 - МАР и АБР, медицинский журнал «Хамшира»
- Медицинские НИИ, вузы и ссузы, медицинская библиотека, музей здравоохранения, медицинский архив, республиканская газета «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана», Центр организации м/п подростковой и призывной молодежи
- АК «Узмедтехника», СП «Медиз», АК «Дори-дармон», СП «Кетгутсилк», УП «Узмедэкспорт», республиканская автобаза, УП «Кислородный завод», УП «Узмедприбор», Центры ДОТС
- Министерство здравоохранения Республики Каракалпакстан, Главное управление здравоохранения г. Ташкента, управления здравоохранения областей, «Медицинский журнал Узбекистана»

Общая предельная численность персонала 88 единиц, в том числе управленческий персонал - 69 ед.

(Продолжение. Начало на 1-й стр.)

(Продолжение на 10-й стр.)

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

# «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

Приложение № 6
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

**Структура**
**Министерства здравоохранения Республики Каракалпакстан**

Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. №ПП-700




Предельная численность управленческого персонала – 15 единиц.

Приложение № 7
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

**Структура**
**областного управления здравоохранения**

Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. № ПП-700




Предельная численность управленческого персонала – 14 - 15 единиц.

(Продолжение. Начало на 1-8-9 й стр.)

(Продолжение на 11-й стр.)

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

# «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

Приложение № 8
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. №ПП-700

**Структура**
**Главного управления здравоохранения г.Ташкента**




Предельная численность управленческого персонала – 14 - 15 единиц.

Приложение № 9
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

Утверждено Постановлением Президента Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. № ПП-700

**Структура**
**Районного (городского) медицинского объединения**




* включает в себя взрослую, детскую и другие специализированные поликлинические учреждения

(Продолжение. Начало на 1-8-9-10-й стр.)

(Продолжение на 12-й стр.)

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

# «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

Приложение № 10
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434

Утверждено Постановлением Президента Республики
Узбекистан
от «02» октября 2007 г. № ПП-700

**Структура**
**Районного медицинского объединения г.Ташкента**




* включает в себя взрослую, детскую и другие специализированные поликлинические учреждения

В городе Ташкенте все акушерские комплексы передаются в ведение Главного управления здравоохранения г. Ташкента

Приложение № 11
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434
Утверждено Постановлением Президента
Республики Узбекистан
от «02» октября 2007 г. № ПП-700

Состав
постоянно действующей аттестационной комиссии
при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан

Назиров Ф.Г. - министр здравоохранения, председатель комиссии
Шарапов Н.У. - заместитель министра здравоохранения, заместитель председателя комиссии
Камилов А.И. - заместитель министра здравоохранения
Алимухамедов Б.Б. - заместитель министра труда и социальной защиты
Кучкаров Д.А. - заместитель министра финансов
Шоабдурахмонов Р.М. - заместитель министра экономики
Курбанов Р.Д. - директор республиканского специализированного центра кардиологии
Исламова О.М. - начальник контрольной инспекции Министерства здравоохранения
Хашимов Ш.Х. - начальник главного управления лечебно-профилактической помощи Министерства здравоохранения
Ядгарова К.Т. - начальник главного управления охраны материнства и детства Министерства здравоохранения
Шарипова Н.В. - начальник санитарно – гигиенического отдела департамента санитарно-эпидемиологического надзора Министерства здравоохранения
Акбаров М.Н. - профессор, заведующий отделением Республиканского специализированного центра хирургии, главный хирург Министерства здравоохранения
Абдуллаев С.П. - профессор, заведующий отделением Ташкентской медицинской академии, главный терапевт Министерства здравоохранения

Приложение № 12
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434
Утверждено Постановлением Президента Республики
Узбекистан
от «02» октября 2007 г. №ПП-700

**ПЕРЕЧЕНЬ**

**маломощных медицинских учреждений, ликвидируемых либо преобразуемых в отделения ЦРБ (ЦГБ)**

| № | Наименование учреждения | Место нахождения | Примечание |
|---|---|---|---|
| 1 | Противотуберкулезный диспансер Чимбайского района | Республика Каракалпакстан, г.Чимбай | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 2 | Кожно-венерологический диспансер Чимбайского района | Республика Каракалпакстан, г.Чимбай | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 3 | Сельская участковая больница "Киличбой" | Республика Каракалпакстан, Амударьинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 4 | Сельская участковая больница "Узбекистон" | Республика Каракалпакстан, Амударьинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 5 | Сельская участковая больница "Кипчок" | Республика Каракалпакстан, Амударьинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 6 | Сельская участковая больница "Шеге" | Республика Каракалпакстан, Муйнакский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 7 | Кожно-венерологический диспансер Кунградского района. | Республика Каракалпакстан, Кунградский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 8 | Сельская участковая больница "Жалпок яб" | Республика Каракалпакстан, Кегейлийский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |

(Продолжение. Начало на 1-8-9-10-11-й стр.)

(Продолжение на 13-й стр.)

## ПРИКАЗ МИНИСТЕРСТВА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 04 октября 2007 г. № 434 г. Ташкент

# «О мерах по совершенствованию организации деятельности медицинских учреждений республики»

Приложение № 12
к приказу Минздрава
от «04» октября 2007г. № 434
Утверждено Постановлением Президента Республики
Узбекистан
от «02» октября 2007 г. №ПП-700

**ПЕРЕЧЕНЬ**

**маломощных медицинских учреждений, ликвидируемых либо преобразуемых в отделения ЦРБ (ЦГБ)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 9 | Городская больница "Водник" | Республика Каракалпакстан, Ходжейлийский р-н | амбулатория преобразуется в СВП, а больница преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 10 | Кожно-венерологический диспансер Ходжейлийского района | Республика Каракалпакстан, Ходжейлийский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 11 | Сельская участковая больница "А.Дурдиев" | Республика Каракалпакстан, Турткульский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 12 | Сельская участковая больница "Мискин" | Республика Каракалпакстан, Турткульский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 13 | Сельская участковая больница "Тазо бог" | Республика Каракалпакстан, Элликалинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 14 | Противотуберкулезный диспансер Балыкчинского района | Андижанская область, Балыкчинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 15 | Инфекционная больница Балыкчинского района | Андижанская область, Балыкчинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 16 | Кожно-венерологический диспансер Гиждуванского района | Бухарская область, г.Гиждуван | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 17 | Кожно-венерологический диспансер Шафирканского района | Бухарская область, г.Шафиркан | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 18 | Сельская участковая больница "Кизилрават" | Бухарская область, Ромитанский р-н | ликвидируется |
| 19 | Реабилитационная больница "Ковчин" | Кашкадарьинская область, г. Гузар | ликвидируется |
| 20 | Противотуберкулезный диспансер Учкудукского района | Навоийская область, Учкудукский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 21 | Детская инфекционная больница Хатырчинского района | Навоийская область, Хатырчинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 22 | Родильный комплекс г.Гулистана | Сырдарьинская область, г.Гулистан | преобразуется в отделение ЦГМБ |
| 23 | Областная прачечная | Сырдарьинская область, г.Гулистан | ликвидируется |
| 24 | Противотуберкулезный диспансер Баяутского района | Сырдарьинская область, Баяутский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 25 | Больница №1 Алтынсайского района | Сурхандарьинская область, Алтынсайский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 26 | Сельская участковая больница "Вахшивор" Алтынсайского р-на | Сурхандарьинская область, Алтынсайский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 27 | Кожно-венерологический диспансер Джаркурганского района | Сурхандарьинская область, Джаркурганский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 28 | Инфекционная больница Узунского района | Сурхандарьинская область, Узунский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 29 | 1-я больница "Толли" Шурчинского района | Сурхандарьинская область, Шурчинский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 30 | Кожно-венерологический диспансер г.Алмалыка | Ташкентская область, г.Алмалык | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 31 | Психоневрологический диспансер г.Ангрена | Ташкентская область, г.Ангрен | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 32 | Кожно-венерологический диспансер г. Чирчика | Ташкентская область, г.Чирчик | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 33 | Инфекционная больница Пскентского района | Ташкентская область, Пскентский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 34 | Кожно-венерологический диспансер г. Маргилана | Ферганская область, г. Маргилан | преобразуется в отделение ЦГМБ |
| 35 | Инфекционная больница Алтыарыкского района | Ферганская область, Алтыарыкский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 36 | Противотуберкулезный диспансер Багдадского района | Ферганская область, Багдадский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 37 | Инфекционная больница Дангаринского района | Ферганская область, Дангаринский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 38 | Инфекционная больница Сохского района | Ферганская область, Сохский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 39 | Инфекционная больница Фуркатского района | Ферганская область, Фуркатский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 40 | Инфекционная больница Ферганского района | Ферганская область, Ферганский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |
| 41 | Больница ХОСПИС | Хорезмская область Ургенчский р-н | преобразуется в отделение ЦРМБ |

**(Окончание. Начало на 1-8-9-10-11-12 й стр.)**

*Бугуннинг мавзуси*

# КАДРЛАР МАСАЛАСИГА ЭЪТИБОР



***Жорий йилнинг 9 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетаси ҳамкорлигида «Журналист кадрларнинг малакасини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш: ютуқлар, муаммолар, истиқболлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилот вакиллари, етакчи ахборот агентликлари ва босма нашрлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари қатнашдилар. Семинарда асосий эътибор оммавий ахборот воситаларида кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш борасида эришилган ютуқлар, муаммоларга қаратилиб, ОАВнинг жамиятдаги роли, ахборотлар тайёрлашдаги замонавий талаблар, журналистик текширув, жамоатчилик фикрини ўрганиш сингари масалаларига ҳам алоҳида урғу берилди.

Маълумки, мазкур вазифалар юзасидан жамоатчилик фонди кўмагида Андижон, Самарқанд, Қарши ва Нукус шаҳарларида журналистик маҳорат марказлари фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга республиканинг етакчи газеталари ва ахборот агентликлари таҳририятлари қошида журналистика факультетлари талабалари учун мастер-класслар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Семинар доирасида «Жамият», «Бизнес Вестник Востока», «Uzbekistan Today» газеталари таҳририятлари ҳамда «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги қошида ташкил этилган мастер-классларнинг тақдимот маросими ҳам ўтказилди. Бундан кўзланган асосий мақсад, етишиб келаётган журналист кадрларнинг ўз касбларига бўлган қизиқиш ва маҳоратларини ошириш, материал ва ахборот тайёрлашда керак бўладиган ўқув-амалий машғулотларни олиб бориш, таҳлилий мақолаларни тайёрлаш жараёни тўғрисидаги билимларни беришдан иборатдир.

Умид қиламизки, фонд томонидан амалга оширилаётган бундай самарали тадбирлар келгусида ўз натижасини беради.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Қутлов

# ИСКАНДАР РАҲМОН ВА ЗАМОНДОШЛАР

## ҲАРБИЙ МАРШЛАР ИЖОДКОРИ, УСТОЗ, МУРАББИЙ

***Искандар Рафиқович Раҳмонов (Искандар Раҳмон) 1937 йилнинг 20 октябрида Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топди. Бошланғич, умумий ва ўрта таълимни дастлаб, Тошкент шаҳридаги 45-мактабда, кейинчалик эса, Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани Облиқ қишлоғидаги мактабда олган. 1955-1961 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси)да таҳсил кўрган. 1961-1987 йилларда Қуролли Кучлар сафида ҳарбий шифокор сифатида хизмат қилган, Қуролли Кучлар фахрийси, истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, соғлиқни сақлаш аълочиси, Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаролар муҳофазаси институти катта ўқитувчиси, касаба уюшмаси қўмитаси раиси.***



Искандар Раҳмон аслида ҳарбий шифокор бўлса-да, қалбан ва жисман нафис адабиёт ва санъат шайдоси. У ўз вақтида Ўзбекистон халқ шоири, домла Ғайратий, таниқли ёзувчи Ҳабиб Нўъмон ижодий мактабини ўтаган, эл-юртимиз ардоғидаги машҳур адиб ва шоирлардан Пиримқул Қодиров, Саида Зуннунова назарига тушган. Ўзбекистон халқ шоирлари Пўлат Мўмин, Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев, Анвар Обиджон, Маҳмуд Тоир; Неъматжон Қулабдуллаев, Абдуҳошим Исмоилов, Рустам Абдуллаев, Павел Макаров, Ғуломжон Ёқубов, Ҳайрулла Лутфуллаев, Гулбаҳор Эрқулова, Тожибар Азизова, Юлдуз Абдуллаева, Марат Ҳакимов, Камолиддин Раҳматов, Илҳом Фармонов каби бастакорлар, санъаткорлар билан ҳамнафас, ҳамкорликда бўлган ижодкорлар сирасига киради.

Искандар Раҳмон умрининг чорак асрдан зиёд вақтини қалб даъвати ила оила аъзолари билан туғилиб ўсган Ўзбекистондан олис бўлган хорижий мамлакатларда ўтказиб, мусофирчиликнинг ўзига хос азоб-уқубатларини бошидан кечирган, она-юрт соғинчи, ўй-ташвишлари билан умидвор яшаган. У қаерда бўлмасин бир лаҳза ҳам бадиий ижодни тарк этмаган. Кўрган-кечирганларини ён дафтарчасига битиб юрган. Унинг ижод маҳсуллари асосан йўлда, поезд, пароход, самолёт, танк, машина, дала-машқ майдонларида туғилган, десак асло муболаға бўлмайди. Шунинг учун ҳам унинг насрий ва назмий асарларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси, кўтаринки жанговар ҳолат, яққол сезилиб туради.

Унинг «Меҳрибонлар», «Дардинг билан яшайман дунё!», «Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида», «Оқ либосли халоскорлар», «Оловли гулдаста», «Ҳарбий шифокор хазинаси», «Асолат юлдузи», «Шонли йул сабоқлари», «Умр зарварақлари» каби ҳужжатли қиссалари, очерк ва ҳикоялар тўпламлари, шунингдек, «Йўллардаги гуллар», «Ўзбекистон аскарларимиз», «Жоним фидо Ватанга», «Мард меҳри – Ватан сеҳри», «Асра болам, ўзингни», «Ҳарбийча алифбо», «Болажоним, ҳушёр бўл» номли шеърий асарлари чоп этилган.

Искандар Раҳмоннинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги «Ўзбекистон аскарларимиз», «Ҳар баҳор, ҳар кузда», «Етти баҳодир марши», «Шукрона», «Ҳарбийлар қўшиғи», «Учувчилар қўшиғи», «Байрамингиз бўлсин муборак», «Ўзбекистон офицерлари», «Эй посбонлар бўлинг саломат!», «Ватан қизи», «Ассалом Тошкентим!», «Фидокорлар марши» каби элликдан зиёд қўшиқлари «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Аскар қўшиқлари» кўрик-танловларида ғолиб деб топилган, республика аҳамиятига молик катта байрам тантаналари, телерадио дастурларидан ўрин олган, қўшиқсевар халқимизнинг маънавий мулкига айланган. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам концертлари дастуридан унинг «Туркистон фарзандимиз!», «Муқаддас туйғу» каби асарларининг ҳарбий санъаткорлар томонидан моҳирона ижро этилганлиги фикримиз исботидир.

Искандар Раҳмоннинг Фуқаро муҳофаза институтидаги мураббийлик фаолиятида унинг қаламига мансуб «Фавқулодда вазиятларда шикастланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш», «Фуқароларнинг тиббий муҳофазаси»га оид бир қатор илмий-услубий қўлланма ва дарсликлари мавжуд. Унинг ҳарбий-ватанпарварлик, фавқулодда вазиятларда фуқаролар муҳофазаси тарғиботига бағишланган оммабоп мақолалари, телерадио дастурлари, вақтли матбуот саҳифаларида тез-тез эълон қилинади. Бундан ташқари, И. Раҳмон бу мавзуларда турли ташкилот, корхона, ўқув юртлари, маҳалла, ҳарбий бўлинмаларда ҳам қизиқарли учрашув ва машғулотлар ўтказиб туради.

Шуни алоҳида такидлаш жоизки, Искандар Раҳмон феъл-атворида ҳазил мутоиба, ҳангомаларга мойиллик борлиги учун ҳам унинг иштирокидаги давраларда доимо теша тегмаган янги гаплар, ташбеҳ ва иборалар ишлатилади. Бу унинг таниқли ижодкорлардан Зикрилла Эгамбердиев, Билол Аминов, кулги усталари, ака-ука Айниддин ва Жалолиддин Зайниддиновлар, Абулқосим, Эркин Тўйчиевлар, Убайдулла Абдуллаев, Жалолиддин Раҳимов, Ҳусниддин Ёқубов билан яқиндан ижодий ҳамкорликда иш олиб борганидан бўлса керак. Буни унинг яқинда чоп этилган «Кулганлар дармонда, кулмаганлар армонда»; «Исми «Қ» ҳарфли қариндош» номли аскиялар, ҳажвиялар, ҳангомалар китобидан ҳам билса бўлади.

Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги кўп йиллик ва самарали хизматлари эвазига Искандар Раҳмон кўплаб жанговор нишонлар, икки марта Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. Оилали, уч фарзанди, ўнга яқин неваралари бор.

Юқоридаги фикрларни қанчалар давом эттирсак-да, сўз бойлигимиз етмайди, қаламимиз эса ожизлик қилади. Чунки, устозимиз Искандар Раҳмондаги иқтидор, эътиқод, самимий ва камтарлик, меҳрибонлик ҳамда жўшқинлик инсоний фазилатларнинг энг эзгуларидан, десак янглишмаган бўламиз. Бир неча йилдирки, таниқли ижодкор таҳририятимиз ходимлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биз устозимиздаги туғма истеъдод ниҳоятда юқорилигини унинг ҳар бир шеърий мисралари ҳамда асар ва мақолаларида мужассам эканлигини яққол кўрамиз. Таҳририятга устозимизнинг кириб келиши ижодимизнинг янада юксалишига қанот бағишласа, жамоамизга эса, файзу баракот олиб киради. Фахр билан айтиш керакки, Искандар Раҳмон муаллифлигидаги материаллар таҳририят ходимлари учун ҳеч қачон қийинчилик туғдирмайди. Чунки, унинг ёзган мақолалари таҳлил ёки таҳрирга муҳтож эмас. Таъбир жоиз бўлса айтиш лозимки, республика тиббиёт тизимида кўп йиллар давомида фидойи меҳнат қилган, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида жанговор сафда иштирок этган тиббиёт ходимлари тўғрисидаги мақолаларни катта маҳорат билан ёзган Искандар Раҳмоннинг ижодига тан берсак арзийди. Унинг қаламига мансуб бўлган ҳар бир мақола тиббиёт тарихининг зарварақларидан ўрин олишига шубҳа йўқ. Ижодкорнинг ижод маҳсули унинг ўткир қаламига боғлиқ бўлгани каби, Искандар Раҳмоннинг ҳам қалб вужудидан отилиб чиқаётган эзгулик ришталарининг туғёни инсонлар қалбига шу қадар етиб борганки, ундан баҳраманд бўлмаган кишининг ўзи йўқ.

Дарҳақиқат, севимли устозимиз Искандар Раҳмон таҳририятимизга ташриф буюриб, яқинда чоп этишга тайёрланаётган «Баётларим – қанотларим» номли янги тўплами хусусида гап бошлади. Мазкур нашрдан ўрин олган қуйидаги мисралар диққатимизни ўзига тортди:

***Менда йўқ ҳаловат***
***на кеча, кундуз,***
***Эрта-кеч сафдаман,***
***йўл сафардаман.***
***Унутиб ёшлигу***
***орзу, ҳавасни,***
***Эл не буюрса,***
***камарбастаман!***

***Мен минглар қатори***
***тинчлик йўлида,***
***Сарҳадда, измимда***
***кун-тун сергакман!***
***Агар бош кўтарса,***
***ёвлар Ватан-чун,***
***Жангларга киришга***
***тайёр эркакман!***

**Ҳа, ўзини ҳамон жанговор сафда, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги посбонлари сифатида ҳисоблаётган, меҳридарё, қалби уйғоқ ҳарбий шифокор ва ижодкор, устоз ва мураббий Искандар Раҳмон айни кунларда қутлуғ етмиш ёшга кирмокда. Уни муборак ёши билан чин дилдан қутлаб, оилавий хотиржамлик ва ижодига янада юксак баркамоллик тилаймиз.**

**Ибодат СОАТОВА, журналист.**

## МОҲИЯТИ БЕНИҲОЯ ҚАДРЛИ

Искандар Раҳмоннинг шеърлари, қўшиқлари, насрий машқлари, болаларга аталган барча асарлари билан яхши танишман. Уларни бир гулдаста сифатида ўзида мужассам этган янги китоблари ижодкоримизнинг кўп йиллик шеърий санъатидан бир сарҳисобдир. Бу китоблардаги шеърлар самимийлиги, соддада, гўзаллиги, инсонга меҳру муҳаббати, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини бадиий акс эттириш моҳияти билан бениҳоя қадрли. Айниқса Искандар Раҳмон қаламига мансуб қўшиқлар, маршлар халқимиз томонидан қизғин кутиб олинади ва улар дил мулкига айланганлигини яхши биламиз. Кўп йиллик ҳарбий хизмати билан ҳамон ўзини жанговор сафда деб ҳисоблаётган Искандар Раҳмон бугун қутлуғ ёш арафасида. У ҳамон тинимсиз, ижодий изланишда, янги-янги ижодий режаларга тўлиқдир. Бу олий мақсад йўлида у кишига узоқ умр, катта муваффақиятлар тилаймиз.

**Жуманиёз ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## САМИМИЙ САТРЛАР САДОСИ

Киндик қони тўкилган муқаддас тупроқни ардоқлаш шу Ватан фуқаросининг инсоний бурчи. Аммо Ватанни ҳар ким ҳар хил севади, эъзозлайди. Деҳқон тупроғи билан тиллашса, боғбон ниҳолига ниҳол қўшади. Кимдир тили билан, бошқаси дили билан мадҳ этади. Элу юртини ўз сукутида жони қадар асрагувчилар бор.

Ватан майсаларининг саноғи йўқ, унинг гул-чечаклари ҳам ранглар жилосига сиғмайди. Ватан гўзаллиги боқий гўзаллик, шу боис унинг куйчилари ҳам бисёр. Ҳар ким Худо берган тилда ўз билганича куйлайди. Умрида бир сатр шеър ёзмаган инсон ҳам завқи келганда, ҳайрат ва ҳавас насимлари кўксини тўлдирганда ўзи учун ҳиргойи қилиб юради. Кимгадир куйлашни тақиқлаш, яшашни тақиқлаш билан баробардир.

Отахон шоир, собиқ ҳарбий шифокор Искандар Раҳмон чин маънода ватанпарвар, элу юрт қадрига кўксини қалқон қилиб яшаган инсон. Чунки умрини ҳарбий хизматга бахшида қилган одам тинчлик осмондан тушмаслиги, уни жонни фидо қилиб асраш кераклигини яхши билади. Шу боис Искандар Раҳмон ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида яйраб ёзади. Самимий, содда, халқона сатрларининг ўз садоси бор. Бу садо айниқса, ҳарбийларнинг тилларида жўшқин қўшиқларга айланади. Ўнлаб қўшиқлари бугун элимизнинг мулки бўлиб улуғ анжуманларда куйланаяпти.

Искандар Раҳмоннинг янги китоби ҳам бежизга «Баётларим-қанотларим» деб номланмаган. Зеро, яхши сўзда, яхши қўшиқда чиндан-да қанот бўлади. Муборак етмиш ёшларида ҳарбийларга хос шиддат билан ўқувчиларга тақдим этилган китоб аввало, отахон шоиримизга, дарёдил, одамоҳун, беғубор қалб соҳиби Искандар Раҳмоннинг ўзларига қутлуғ бўлсин. Юз билан юзлашганда ҳам истеъфодаги подполковник Искандар Раҳмонни шу жўшқинлик тарк этмасин.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## *21 октябрь – Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун*

# ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ...

*Сен бўлмасанг нима бизга сиқлиқ шеърлар,*
*Бу дунёда тили йўқла дил йўқ дерлар,*
*Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,*
*Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,*
*Она тилим, эй муқаддас Она тилим.*

Миллий тил ҳар бир миллатнинг биринчи белгисидир. Шу туфайли ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ўз истиқлоли учун курашса, дастлаб, тилининг софлиги, унинг қадр-қимматини тиклаш учун ҳаракат қилади.

Шундай экан, ўзбек тили узоқ тарихий илдизларга эга. Шунингдек, ўлкамизда тилларни тадқиқ этиш ишлари ҳам анча илгариги даврларга бориб тақалади. Булар билан илк марта Маҳмуд Қошғарий шуғулланиб, тадқиқотларининг маҳсули сифатида «Девони луғотит турк» асарини ёзиб қолдиради. М. Қошғарийдан сўнг эса бевосита ўзбек адабий тилининг асосчиси саналган Навоий бобомиз бу ишларни давом эттирди. У ўзининг форс ва турк тилларини қиёслаб ёзган «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида бу икки тилни атрофлича тадқиқ этиб, турк тилининг форс тилидан анча устунлигини исботлаб беради. Навоий бобомиз ўз тадқиқотларидан шундай хулосага келади: «Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай хазинаки, ҳар бир дурру гавҳари осмон ёритқичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ». Дарҳақиқат, бундай соф ва гўзал тилимиз борлигига ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шундай экан, тилимизни бор кўркамлиги билан ўрганиш, унинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдалана олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг машҳур сатрларида айтилганидек:

*Минг йилларким булбул каломи,*
*Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.*
*Аммо шўрлик тўтининг ҳоли*
*Ўзгаларга тақлид ҳамиша.*
*Она тилим сен борсан шаксиз,*
*Булбул куйин шеърга соламан.*
*Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,*
*Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.*

**Дунёда миллатлар, элатлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўз тилига эга ва ҳар бири ўз она тилининг жозибасини, қадр-қимматини йўқотишни истамайди, уни асраб-авайлайди.**

**Азиза ХОДЖАНОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси.**

## *Съезд иши якунидан сўнг*

# ТАЖРИБА САЛОҲИЯТИНИНГ МУАЙЯН МАҚСАДЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Урологлар жамияти, Республика ихтисослаштирилган урология маркази, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ҳамда Европа Урологлари Ассоциацияси ҳамкорлигида 9-10 октябрь кунлари бўлиб ўтган «Ўзбекистон урологларининг III Съезди» ўз ишига якун ясади.***



Жорий йилнинг 9 октябрь куни «Radisson SAS» меҳмонхонасида Ўзбекистон урологлари жамияти ҳамкорлигида Европа урологлари мактабининг семинари бўлиб ўтди. Семинар ишида Европанинг бир қатор кўзга кўринган уролог мутахассислари қатнашишди. Жумладан, Дания, Венгрия, Туркия сингари давлатлардан ташриф буюрган етакчи олимлар ўзларининг урология ва сийдик йўллари инфекцияси муаммоларига бағишланган маърузаларини тақдим этдилар. Тадбирда қатнашган Ўзбекистоннинг урология хизмати бўйича фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ушбу семинардан керакли бўлган янгиликларни олишиб, тажриба кўламларини янада бойитдилар.

10 октябрь куни "Dedeman" меҳмонхонасида бўлиб ўтган съезд ишида ҳам мамлакатимиз мутахассислари қатори МДҲ давлатларидан етакчи олимлар иштирок этди. Халқаро аҳамият доирасида ўтказилаётган мазкур съезд илмий ва амалий томондан мавзунинг кенгроқ ёритилишига, тажриба алмашиш имконини кенгайтиришга, сийдик йўли инфекциялари касаллигини замонавий йўналишда даволашга хизмат қилади. Бевосита съезд давомида ташкил этилган халқаро ташкилотларнинг мавзу доирасидаги кўргазмалари, янги замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳар бир ташриф буюрувчини бефарқ қолдирмай, келгусидаги амалий тажрибалар учун катта имконият эшигини очади.

Мазкур Ўзбекистон Урологларининг III Съезди ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эгалиги билан иштирокчиларда бой илмий-назарий билим манбаларини шакллантиришда муҳим тадбир бўлганлигини ҳеч муболағасиз эътироф этиш мумкин. Агарда кузатган бўлсангиз, съезд ишида қатнашувчилар сийдик йўли инфекциялари билан боғлиқ маърузаларни тинглаб, бу борада ўзаро баҳс-мунозара муҳитини яратдилар. Янгиликларга бой тарзда ўтказилган съезд иштирокчилари билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг ягона мақсади – урология соҳасини замон талаблари даражасида ривожлантириш ва аҳолига сифатли хизмат турини кўрсатишдан иборат эканлиги эътиборимизни бефарқ қолдирмади.

**Асилбек ҒАЙБУЛЛАЕВ,**
**Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтининг урология кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг урология бўйича бош маслаҳатчиси.**

– Юқори савияда ташкил этилган мазкур съезд ўзининг янгилик ва замонавий билимлар, ноёб даволаш технологияларини амалиётга олиб кириши билан қимматли ҳисобланади. Илк маротаба Европа урологлари мактаби ўқишларининг ўтказилиши жуда мураккаб ва долзарб масаладир. Махсус талабномага кўра, ушбу мактаб аъзоларининг Ўзбекистон ҳудудида ана шундай катта семинарни ташкил этишлари, албатта, қувонарли ҳол. Ҳозирги пайтда съезд ишида 300 дан ортиқ уролог-мутахассислар иштирок этди.

Бундан ўн йил аввал илгари урология соҳасини босқичма-босқич ривожлантириш, бу борадаги мавжуд янгиликларни соҳа вакилларига етказиш, керакли назарияларни амалиёт билан бирга олиб боришни таъминлаш масалалари устуворлик қиларди. Бугунга келиб, замонавий технологияларнинг тиббиёт тармоқларига кириб келиши кўпгина муаммолар ечимининг топилишига асос бўлди. Йиллар давомида олиб борилган ислоҳотлар ўз самарасини бериб, маълум маънода тиббиёт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшмоқда, десам янглишмайман. Бўлиб ўтган Европа урологлари мактаби семинари ва съезд ишида иштирокчилар простата бези, сийдик йўли инфекцияси, сийдиктош касаллиги каби муаммолар тўғрисида фикр-мулоҳазалар алмашдилар. Аҳамият берадиган бўлсак, тадбирда айтилаётган ва тингланаётган маърузаларнинг аксарияти Ўзбекистон тиббиётида амалга ошириб келинмоқда. Яна бир характерли жиҳат шундаки, съезд материаллари тўплам сифатида тайёрланиб, CD дискларда тарқатилди. Бу албатта, шифокорларнинг кундалик иш фаолиятида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.



**Абдулвосит ҚОДИРОВ,**
**уролог, Тошкент шаҳри.**

– Биринчи навбатда Европа урологлари мактаби аъзоларининг янгиликлари билан танишдик, фикр алмашдик. Ундан ташқари, III Съезд ишида кўрилган масалалар барча мутахассисларни баҳс-мунозаралар атрофига чорлаб, янгиликларни эгаллашларига имконият туғдирди. Бу билан нимага эришиш мумкин? Энг аввало, аҳоли саломатлигини яхшилаш, уларга кўрсатиладиган хизмат тури сифатини ошириш бирламчи вазифамиз ҳисобланади. Мен кўпгина халқаро анжуманларда қатнашганман. Долзарб мавзулардаги муҳокамаларда Ўзбекистон номидан иштирок этганмиз. Чунки, мамлакатимизда урология хизматини яхшилаш юзасидан кўпгина мақсадли, амалий ишларнинг олиб борилаётганлиги ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, соҳа тараққиёти йўлидаги ижобий ишлар, энг сўнгги замонавий даволаш механизмларининг кириб келишига имконият яратади.

***Таъкидлаш жоизки, бундай юқори савияда ўтказилган Ўзбекистон Урологларининг III Съезди иштирокчиларда катта таассурот қолдириб, уларнинг келгусидаги ишларига пухта замин яратади, деб умид билдириб қоламиз.***

**Намоз ТОЛИПОВ,**
**Гузал ГИЯСОВА.**

***Мақола Ўзбекистон Республикаси мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг «Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мониторинги» лойиҳаси асосида тайёрланди.***

*Хабар: Андижон вилояти*

# ОММАВИЙ ЭМЛАШ ҲАФТАЛИГИ

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди раҳбарлари, Андижон вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати ҳамда вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида «Иммунизация ҳафталигида иштирок этиш» мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.***

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутахассиси, кенгайтирилган иммунизация дастури раҳбари Дилором Турсунова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда мазкур тадбир, яъни оммавий эмлаш ҳафталигини ўтказишдан асосий мақсад, болалар ўртасида турли хилдаги юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларнинг соғлигига бўлган эътиборни янада кучайтиришдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан мутахассислар жорий йилнинг 12 ноябридан 25 ноябрига қадар иммунизация ҳафталиги ўтказилиши ва бу компания давомида тиббиёт ходимлари билан бирга оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамкорликда иш юритиши муҳимлиги ҳамда амалга ошириладиган ишлар ўз самарасини бериши тўғрисида сўз юритишди.

# ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Жорий йилнинг 4-9 июнь кунлари Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Маркази Андижон филиалида «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари мутахассислари томонидан «Шахслараро мулоқот ва катталарни ўкитиш» мавзусида олти кунлик ўқув-семинар ўтказилди. Мазкур семинар тингловчилари махсус сертификатга эга бўлиб, услубий-ўқув қўлланмалар билан таъминланди. Шунингдек, ушбу иштирокчилар ўз иш жойларида тренер сифатида «Шахслараро мулоқот» мавзуида ўқитиш ишларини олиб бориш кўзда тутилган эди.***

Биз ушбу тадбирнинг Андижон туманида қай даражада йўлга қўйилгани ва қандай натижаларга эришганлиги билан танишдик. «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари мутахассислари томонидан ўтказилган «Шахслараро мулоқот ва катталарни ўқитиш» мавзусида олти кунлик ўқув-семинарда Андижон тумани марказий шифохонаси бош ҳамшираси Марғуба Аҳмедова ва шу тумандаги «Ровот» қишлоқ врачлик пункти бош ҳамшираси Салима Дарвешова ҳам ўқиб, ўз малакаларини ошириб қайтганликларини ва тренер сифатида фаолият олиб бораётганликлари ҳамда ижобий натижаларга эришаётганлигини фахр билан тилга олдилар.

– Шу кунга қадар туманимиздаги тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган 97 нафар ҳамшира билан «Мулоқот маданияти», «Шахслараро мулоқот» мавзуида машғулотлар ўтказилиб, сертификат берилди, – дейди Марғуба Аҳмедова биз билан суҳбатда. – Иштирок этган ҳар бир ҳамшира ҳам назарий, ҳам амалий билимларини бойитишга муяссар бўлди ва ўта фаоллик кўрсатиб, ўқув-услубий тарқатма материаллари билан таъминланди.

**Муҳитдин АЛИЕВ,**
**Республика Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Маркази Андижон филиали директори ўринбосари.**

## *ОБУНА – 2008*

**Азиз шифокорлар, ҳамширалар, зиёлилар ва барча муштарийлар эътиборига! Тиббиётдаги янгиликлар сари одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2008 йил учун обуна мавсуми бошланди. Буни унутманг!**

**Нашр индексимиз: 128.**

# ИНТЕРНЕТ СООБЩАЕТ

## ЭПИДЕМИЯ ХОЛЕРЫ ПЕРЕСЕКЛА ИРАНО-ИРАКСКУЮ ГРАНИЦУ

Эпидемия холеры, продолжающаяся в Ираке с середины августа, пересекла ирано-иракскую границу и охватила лагеря беженцев, расположенные на иранской территории. По информации ВОЗ, на данный момент на территории сопредельного государства зафиксировано около десяти лабораторно подтвержденных случаев заболевания.

По словам координатора ВОЗ в Ираке Клэр-Лиз Шайгнат (Claire-Lise Chaignat), в настоящее время властям Исламской Республики Иран удается сдерживать дальнейшее распространение инфекции. Впрочем, ситуация может измениться в ближайшее время, поскольку перемещения иракских беженцев через границу практически не контролируются.

Число подтвержденных случаев холеры в самом Ираке достигло 3 315. Общее же число пострадавших превышает 30 тысяч человек. Умершими от холеры официально признаны 15 иракцев, однако, по мнению медиков, жертв эпидемии может быть значительно больше, поскольку многие больные не имели возможности обратиться за медицинской помощью.

По приблизительным подсчетам, ежемесячно охваченный войной Ирак покидают до 60 тысяч беженцев. Большинство из них оседают в Сирии и Иордании. С начала войны в Ираке страну покинули более 2,2 миллиона человек.

## НА АЛТАЕ РОДИЛАСЬ ГИГАНТСКАЯ ДЕВОЧКА

В городе Алейске Алтайского края появилась на свет девочка весом 7,75 килограмма. Это первый случай рождения столь крупного ребенка за всю 70-летнюю историю региона, сообщила главный акушер-гинеколог краевого управления по здравоохранению Ирина Молчанова, сообщает ИА Regnum.

Для матери девочки - Татьяны Халиной – это уже 11 роды. По ее словам, каждый последующий ребенок в семье рождался крупнее предыдущего, а первая дочь Людмила весила при рождении 4,1 кг.

Самая младшая из семьи Халиных, Надежда, появилась на свет в Алейском родильном доме. Сейчас мать-героиню уже выписали домой, а новорожденную отправили на обследование в краевую больницу в Барнауле. По мнению врачей, такой крупный вес ребенка является патологией.

Согласно Книге рекордов Гиннесса, самый крупный новорожденный весом 10,25 килограмма родился в Италии в 1955 году, на втором месте - 7,5 килограммовый малыш из Бразилии, сообщает ИА «Амител».

## УКРАИНСКИЕ ХИРУРГИ ПЫТАЮТСЯ ПОМОЧЬ ДЕВОЧКЕ БЕЗ РТА

В городе Коростене Житомирской области родилась девочка с редким врожденным дефектом – недоразвитием и сращением челюстей. Малышке, у которой отсутствует рот, предстоит множество пластических операций, сообщает "Московский комсомолец".

Девочку, которую назвали Лизой, подбросили на порог городской больницы Коростеня. Мать удалось разыскать, но женщина сразу же написала "отказ" от ребенка.

Официальный диагноз Лизы - "Врожденные недостатки развития лицевого черепа, гипоплазия нижней и верхней челюсти".

Девочка уже перенесла одну операцию: челюстно-лицевые хирурги в Житомирском центре хирургии убрали сращение верхней и нижней челюсти. Теперь кормление Лизы осуществляется через желудочный зонд, который вводят через нос или отверстие "рта". Плакать и кричать малышка не может.

На следующем этапе Лизу планируют поместить в Новоград-Волынскую лечебницу для детей с врожденными патологиями.

Взрослые пациентки больницы утверждают, что девочка страдает от нехватки внимания. Кроме того, больница не в состоянии купить для нее памперсы. Однако убедиться в этом журналистам не удалось: заведующий детским отделением коростеньской больницы Валентин Сингаевский категорически запретил им заходить в палату, где лежит ребенок.

## ВРУЧЕНА НОБЕЛЕВСКАЯ ПРЕМИЯ

Объявлены имена лауреатов Нобелевской премии 2007 года в области медицины и физиологии. Ими стали американские ученые Марио Капекки (Mario Capecchi) и Оливер Смитис (Oliver Smithies), а также британец Мартин Эванс (Martin Evans).

Как стало известно из прямой трансляции церемонии объявления имен лауреатов на сайте Нобелевского комитета, премией отмечена работа ученых по модификации генов и внедрению модифицированных генов в организм мышей с помощью стволовых клеток.

Капекки и Смитис независимо друг от друга разработали в 1980 году методику модификации генного материала – внедрение в него новых генов, а также "выключение" (нокаут) и произвольную трансформацию уже имеющихся генов.

Эванс создал метод введения модифицированных генов в мышиные эмбрионы с помощью открытых им с соавторами в 1981 году стволовых клеток.

В результате мировая наука получила принципиально новый подход к изучению генетических механизмов развития болезней и оценке функций отдельных генов.

**Материалы основаны на данных Интернет**

O`zbekistonda sog`liqni saqlash
Здравоохранение Узбекистана

**Газета муассиси:**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ**
**Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА**

**Таҳрир ҳайъати раиси: Феруз НАЗИРОВ**
**Таҳрир ҳайъати аъзолари:**
**Бобур Алимов, Озода Муҳитдинова, Бахтиёр Ниёзматов, Абдураҳмон Носиров, Нурмат Отабеков, Рихси Салихўжаева, Маряш Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов, Миралишер Исламов.**

**Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.**
**Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йилнинг 6 декабрь куни рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 0015.**
**Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Адади 4582 нусха. Буюртма Г-950.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 4 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**
**Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.**

**Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**
**Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.**
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.
Топширилди – 01.00. 1 2 3 4 5 6